

К И Р И Ш

Мавзунинг Долзарблиги

Бу йил мустақиллигимизнинг 19 йиллигини нишонлар эканмиз бу қисқа вақт ичида бўлиб ўтган улкан ижобий ўзгаришларни кўриб мустақиллик буюк неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

“Ислохотлар – ислохот учун эмас, аввало инсон учун”¹ дейди Президентимиз Илом Каримов. Бинобарин, Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳақида ижтимоий ишнинг таянч устулари ҳисобланган айрим олий ўқув юртларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши шунингдек фидоийлик намуналарини кўрсатаётган инсон ҳақида ёзиш, айниқса келажак авлодга қисқа кўламда бўлса-да маълумот қолдириш ва шу чорани ривожлантириш бу ўз олдига қўйган асосий вазифамиз ҳисобланади.

Шундай экан, бунинг учун ҳар бир инсон ҳаракат қилиши керак. Ватанни севган инсон оиласини ҳам севади, оиласини севган инсон Ватанини севади. Демак бу иккиси бир – бирига чамбарчас боғлиқ нарсалардир. Ватанини гуллаб яшнашини хоҳлаганидек, оиласини ҳам гуллаб яшнашини хоҳлайди. Фарзандлари баркамол инсон бўлиб етишишига кўмак беради.

Оилаларда ўсаётган ҳар бир болани хох у ногирон бола бўладими унинг ҳам жамиятда ҳамма инсонлар қаторида ўқиб таълим олишга ҳақлидир. Юқорида зикр этилган фикрлар жамиятимиз олдида турган энг асосий ва долзарб вазифалардан биридир.

Шахс маънавияти, ижтимоий маданияти, дунёқараши, тафаккури, эътиқоди, иймони аввало оилада шаклланади.

¹Каримов.И.А “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир” Тошкент. “Ўзбекистон” 2007 Б-5

Ногирон болалар ҳам оилада яшашлари учун уларни ёпиқ муассасаларда чиқариб, оила бағрига қайтариш керак.

“Масалан эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр – оқибот тушинчасини оладиган бўлсак унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўрик мумкин. Бу аввало инсонни инсон билан, қўшнини қўшни билан, қариндошни қариндош, оилани оила билан энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева бечора ва ногиронларга мусофирларга саҳоват кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди”¹ – дейди Президентимиз Ислом Каримов.

Дарҳақиқат Президентимиз айтганидек бир – бирига ёрдам бериш бизнинг халқимизга ҳос хусусиятдир. Бир – бирига беғараз ёрдам ҳам инсонни нафақат моддий балки рухий ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда оилаларнинг ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш, уларни ҳаётини нормаллаштириш долзарб вазифадир.

Ногиронликка эга бўлган болалар ҳаётини ҳам яхшилаш, уларни ҳам оддий мактабларда таълим ҳам оддий мактабларда таълим олишида ижтимоий иш йўналиши ўзига ҳос алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий иш йўналиши ўз олдига бола тарбиясига оид қатор вазифаларни қўяди.

1. Ногиронликка эга бўлган болалар ҳаётини нормаллаштириш;
2. Оиланинг ижтимоий – иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш;
3. Оилада бошқа фарзандлари қатори, ногиронликка эга фарзандни ҳам ўсиб улғайиши;

¹Каримов.И.А “Юксак маънавият – енгилмас куч” Тошкент.Маънавият 2008 й Б 8-9

4. Инклюзив таълим орқали ногирон болалар ҳаётини ҳам меъёрлаштириш ва оилада қолдириш.

Битирув малакавий иш учун айнан Инклюзив таълим мавзусини танлаганимиз сабабли **объект** сифатида ногирон фарзанди бор оилани танлаш мумкин. Инклюзив таълимга ўтиш ҳозирги кунда давр талаби эканлигини қайд қилмоқчиман.

“Ота – оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар” дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида.

Шундай экан ҳар бир фарзанд ота – она бағрида ўсиб – улғайиб, таълим олиш керак.

“Меъёрлаштириш тамойили ногиронликка эга болалар учун инклюзив таълимнинг асоси сифатида” мавзусидаги битирув малакавий ишдан мақсад:

1. Ақлий бузилишларга эга бўлган болалар ҳаётини нормаллаштириш тамойили;
2. Инклюзив таълимни бошлаш;
3. Оилада ўсиб, таълим олишлари учун инклюзив таълимга ўтказиш чора тадбирлари;
4. Ногирон болалар учун инклюзив таълимни ривожлантириш;

Тадқиқотнинг вазифалари

1. Ота – онани шз фарзандлари ҳаёт ва тарбиясига маъсулликларини таъминлаш;
2. Мактабларда болага эркинлик, унинг хохиш истакларини инобатга олиш;
3. Инклюзив таълим орқали болаларни оиласига қайтариш;
4. “Нормал” ва “Махсус” таълим ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак;

Предмети: ЮНИСЕФ халқаро болалар ташкилоти томонидан ташкил этилган ўқув курслари, теринглар, лойихалар ва бошқа ўқув курслари.

Илмий фараз:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир” номли асарларидаги мавзуга оид фикрлар, мутахассисларни мавзу бўйича қарашлари услубий кўрсатманинг назарий ва методологик асосини ташкил этади. Инклюзив таълимни бошлаш ва ривожлантириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, таълим тарбия ишларини тўғри йўлга қўйиш орқали ижобий натижаларга эришилади, деган фараз олдинга сурилади.

Тадқиқотнинг услуб ва йўллари

Ушбу тадқиқот ишини олиб боришда унинг амалга ошириш жараёнида мақсад ва вазифаларни белгилашда аниқ услуб ва йўللари ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун мавзунинг келиб чиқиш ривожланиш жараёнини ўрганиб таҳлил қилиш, унинг илмий ва услубий кўрсатмалар асосида ёритишлик зарурияти муҳим ҳолат саналади.

Ушбу мавзунинг мазмун-маҳиятини олиб боришда, уни тўлақонли ёритишда, таҳлил қилишда, қуйидаги услуб ва йўллар мақсадга мувофиқ деб танлаб олинди.

1. Оилада фарзанд ўсишни нормализацияси, шарт – шароити ўрганиш;
2. Оила ва мактаб ҳамжихатликни йўлга қўйиш;
3. Оиланинг тузилишига эътибор бериш;
4. Оилага ва мактабга мослаштириш.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти ногирон болалар ёпиқ муассасаларда қолиб кетишини чеклаш, камайитириш, болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши: Кириш, 2 та
боб, 4 параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Хулоса қисмида юқоридаги боблар ва параграфларда ифодаланган
фикрлардан келиб чиққан ҳолда умумий фикрлар хулосаланади.

Битирув малакавий иши сўнггида тадқиқот мавзусига оид
Президентимиз асарлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, китоблар.
“Болалар ҳуқуқларни кафолатлари тўғрисида” ги қонунидан моддалар
берилган.

I бoб.АҚЛИЙ БУЗИЛИШЛАРГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР ХАЁТИНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ

Ногиронликнинг турлари жуда кўп. Ногиронлик тушунчасини изохлаш жуда қийин. Ногиронликнинг анъанавий тушунчаси инсон саломатлиги билан нимадур жойида эмаслигига қаратилган. Шундай қилиб, жисмоний имконияти чекланганликка кўзи ожизлик, карлик, одам қийналиб ёки бутунлай ҳаракатланмайдиган турли ҳолатлар, психик касалликлар, шунингдек, Даун синдроми ва эпилепсия ҳолати тааллуқлидир. Бу тиббий туридир. Ногиронликнинг ижтимоий тури- бу инсоний ҳуқуқлар муаммоси! Улар ҳам тенг қадриятли инсоний мавжудот ва тенг ҳуқуққа эгадирлар. Ногиронликнинг турлари бўйича қисқача айтиб ўтдим. Энди ақлий бузилишга эга бўлган шахсларни парваришлаш ва нормаллаштириш ҳақида айтмоқчиман. Мақсад шуки, ҳар бир инсон ўзи хоҳлаганидек яшаши ва ижод қилишига йўл очишидир. Ногирон инсонга ҳам ҳамма қатори ҳаётини давом эттириши ҳар соҳада ютуқларга эришиши учун имконият бериш керак деб ўйлайман. Бунинг учун уларнинг ҳаётини нормаллаштириш энг тўғри йўлдир нормаллаштириш тамойили қуйидагича таърифланади.

Нормаллаштириш тамойили қуйидагича таърифланади: интеллектуал ва бошқа функционал бузилишларга эга бўлган шахслар учун кундалик мавжудликни ва ҳаёт шароитларида шундай қулайликлар яратиладики, улар жамиятда қабул қилинган шаклларга анча яқин ёки улар билан деярли мос келган бўлади.

Бошқалар сингари ногирон инсонлар ҳам ҳақли бўлган ва ушбу тамойил камраб оладиган нормал кундалик ҳаётни ташкилий қисмлари ёки компонентлари қуйидагилардир:

- нормал кундалик ритми;
- нормал ҳафталик ритм;
- нормал йиллик ритм;

- хаёт цикли кечишини нормал шакллари;
- хурмат ва танлаш ҳуқуқи;
- ушбу маданият учун хос бўлган нормал жинсий ҳаёт шакллари;
- ушбу мамлакат учун хос бўлган нормал иқтисодий шакллар ва ҳуқуқлар;
- ушбу ҷамият учун хос бўлган нормал турмуш тарзи ва атроф муҳитга қўйилган талаблар.

Нормаллаштириш тамойили ушбу маданиятда мавжуд бўлган нормал ҳаёт ритми, амалиёти шакллари ва ногиронларни яшаши, ўсиши ва ривожланишига муносабатларини таъсирини тушунишга асосланади. У шунингдек, ушбу ижтимоий шартлар ва маданият шакллари исталган ижтимоий муҳитда, барча маданиятларда ҷамиятда қабул қилинган инсон ҳуқуқларига мос равишда ногиронларни парваришлашга йўналтирилган конкрет одамлар учун кўрсатма сифатида қўлланилишини кўрсатади. Нормаллаштириш тамойили тиббиёт, педагогика ижтимоий, сиёсий ва қонунчилик ишлари билан шуғулланадиган инсонлар учун йўлбошчилик вазифасини ўташи лозим. Инсонлар бирор қарор қабул қилиб, унга асосланиб ҳаракат қилганда натижалар кўп ҳолларда нотўғри эмас, балки тўғри бўлиши лозим.

Нормаллаштириш тамойили ақлий бузилишга эга барча инсонлар учун, улардаги орқада қолишнинг енгил ёки оғирлигидан ҳамда улар дунёнинг қаерида яшашларидан қатъий назар барча учун таълуқлидир. У барча ҷамиятларда ва катталар гуруҳларида қўлланилади, у шунингдек индивидуал ривожланишга ёки ҷамиятдаги ўзгаришларга мослашиши мумкин.

Нормаллаштириш тамойилларини қўлланилиши ақлий бузилишга эга бўлган шахсларнинг "нормал" бўлиб қолишларига олиб келмайди, бироқ унинг мақсади уларнинг яшаш шароитини функционал бузилишларини инобатга олган ҳолда қандай яхшиланишини кўрсатиш.

Нормаллаштириш тамойилини шакллантириш вақтида авваламбор ақлий бузилишларга эга бўлган инсонларни парваришлаш хизматини умум

қамров шакллантириш тамойилини топиш , "тиббий моделга " қарам бўлмаган ҳолда жамиятда яшаш эҳтиёжини кўрсатиш ҳақида сўзланган. Ушбу ном билан авваламбор имконият ва қобилиятларни эмас, балки бузилишларни кўра оладиган тизим номланган. Бу тизим исталган "касалхоналарни", ёпиқ муассасаларни ва изоляцияларни юзага келтирган.

Нормаллаштириш тамойили барча функционал бузилишларга эга бўлган, келиб чиқиш сабабаларидан қатъий назар оилаларидан, жамиятдан, маданиятдан маҳрум бўлиш хавфи бўлган инсонларга тегишли бўлиб, бу тамойил уларнинг реабилитацияси ва ижтимоий интеграцияси учун хизмат қилади.

1.1. АҚЛИЙ БУЗИЛИШЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА НОРМАЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ

Нормаллаштириш тамойилини ташкил этувчилари

1. Нормал кундалик (суткалик) ритм .

Нормаллаштириш - функционал бузилишларга эга бўлган шахсларга имкон қадар нормал кундалик ритмни ташкил этишни аниқлайди . Бу дегани инсони ҳаракат доирасида ва ривожланишида сезиларли орқада қолиш бўлганда ҳам кроватдан ўриндан туриб кийиниши зарурдир. Бу эса овқатни нормал шароитларда истеъмол қилиш зарурлигини аниқлатади: кун давомида бир маротаба кўпчилик билан гуруҳларда ейиш мумкин - мактабда, ишда - аммо , асосан овқатни оилавийга ўхшаш тинч , осуда шароитларда истеъмол қилиш (қабул қилиш) керак .

Нормал кундалик ритм шунингдек, ўз тенгдошларидан кичик ука ва сингилларидан эртароқ ухлаш заруриятини йўқлигини аниқлатади ва бу фақат хизмат кўрсатувчиларнинг етишмаслигидандир. Атроф муҳит ҳам шундай тузилиши керакки, унда конкрет инсон учун шахсий кундалик ритм ҳам эътиборга олиниши керак: бу эса баъзида гуруҳ тартибидан четга чиқиш уни бузиш имкониятининг мавжудлигини аниқлайди.

Нормал кундалик (суткалик) ритмни йўқлиги - йирик ёпиқ муассасаларда ногиронликни шаклланишини яққол намоёндаси бўла олади: у ерда тартибга ногиронликни шаклланишини имконияти бўлмайди. қатъий интизом ва тартиб барчада кучсизлик ва ёрдамга мухтожлик хиссини вужудга келишига олиб келади. Янги мухитда якка тартибдаги машғулотларни олиб борилиши хатто иқтисодий жихатдан ҳам яхши натижаларга хизмат қилиши (олиб келиши) мумкин . Швециядаги йирик ёпиқ муассасаларда ўтказилган экспериментал иш натижалари шуни кўрсатдики , ушбу дастурнинг қўлланилиши ювилиши зарур бўлган кийим ва чойшаблар сонини бир йилда беш тоннага қисқаришига олиб келди. Шунга асосан 600 иш соатлари бўшади, уни ишчилар пол артиш ва чойшаблар алмаштиришга эмас, балки парваришларидаги инсон билан ижобий ишга бағишлашлари мумкин бўлди. Нормал кундалик ритмда яшаш учун педагогик методларни қўллаб кундалик ҳаётда зарур бўлган турли фаолият турларига, ижтимоий малакаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Улар билим ва малакаларни эгаллашдаги аниқ қийинчиликларга мослашган бўлиши лозим.

Оғир нуқсонларга эга ногирон бола ва унинг оиласи ёки ўз яқинлари билан яшовчи қўшимча ногиронликка эга бўлган катта ёшдагилар иложи борица нормага яқин кундалик ритмга эга бўлишлари учун кўп ҳолларда махсус малакага эга бўлган уй хизматчиси томонидан қўллаб қувватланиши талаб этилади. Барча ногиронлар кун давомида тайёрлов ёки оддий мактабларга боришлари, хизматга ёки бирор машғулотларга қатнашлари учун уйдан чиқиш имконига эга бўлишлари керак. Шунингдек бўш вақтларини ўз истакларига кўра ўтказишлари керак. Буларнинг барчаси ногиронлар учун махсус транспорт воситалари бўлиши керак.

"Нормал кундалик ритм " тушунчаси ёпиқ муассасаларнинг камчиликларини бўрттириб қўяди ва ёпиқ муассасаларда яшовчи функционал бузилишларга эга инсонларни очик жамиятдаги эҳтиёжларини кўрсатади".

Нормал хафталик ритм.Кўпчилик инсонлар бир жойда яшашади, бошқа ерда ишлашади ёки ўқишади, бўш вақтларида эса турли жойларда ўтказишади. Демак, ақлий бузилишга эга инсон масалан, у учун уй бўлиб қолган муассасада ёки бинода у кундалик фаолияти билан шуғулланиши ва шу билан бўш вақтларини ҳам шу ерда ўтказиши нотўғридир.

Уй - бу шундай шахсий майдонки, у ерда инсон ўзи хоҳлаганича яшайди, шахсий, оилавий ҳаёт кечиради. У ердан осудалик ва тинчлик топиш мумкин. Мактаб ва иш жойи катта ҳисобда шахсий бўлмаган функцияни бажаради: улар индивиднинг маданий ва ижтимоий муносабатларини шакллантиради. Шунингдек, маданий мерос ассимиляциясини ёки жамиятнинг талаблари ва баҳолашига мослашиш имконини яратади. Бўш вақтини ўтказиши шахсий ва шахсий бўлмаган функциялари бирлигини беради, шунингдек ўзини кўрсатиш, танлаш ва ўз қизиқишларини қондириш имконини беради. У ўз ичига бошқа инсонлар билан (контактда) мулоқотда бўлишни ва уларга мослашишни олади.

Бўш вақт ўсмирлар учун ижтимоий тренинглар, янги тажрибаларга эга бўлиш имконини беради, ва улар учун кенг йўл очади ва шу билан ўзларига баҳо беришларини оширади. Катталарга эса ижтимоий муносабатлар, бошқа инсонлар сингари яшаш, шунингдек ўзига баҳо беришни чуқурроқ шаклланишига имкон беради.

Жамиятдаги ҳаёт айрим инсонлар ёки кичик гуруҳлар учун иш таъминловчи ҳамкорлар ёрдамида топиш имконини кенгайтишини - бу иш инсон қизиқишлари ва имкониятларига тўғри келиши, шунингдек ушбу жойнинг ўзига хос шарт шароитларига мос келишини англатади. Бу ижтимоий интеграция учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўқув ва иш ҳафтасининг сўнггида дам олиш кунлари келади, улар оила билан бирга бўлиш, бирор жойга бориш, дўконга чиқиш, хордиқ чиқариш, байрам ташкил этиш, дўстлар ва яқинлари билан учрашиш, сайр қилиш, табиатда хордиқ чиқариш спорт билан шуғулланиш, мусиқа эшитиш, сеvimли иш

билан шуғулланиш имконини беради . Бу шундай нарасаки, уни олдиндан кутишади, режалаштиришади ва хурсанчилик билан келишишади. Бу уйда алохида ўзи ёки бирор ким билан яшайдиган барчага тегишли. Дам олиш кунларида ёлғиз қолиш - ғамгин туюлади, бўшлиқ хиссини уйғотади ва инсон кўнглини чўктиради – айниқса агар у доим такрорланиб турса.

Ушбу асосдаги ҳафталик ритм (уй - мактаблар, иш -бўш вақт-уй) шунингдек, ногиронларни парваришлаш бўйича жамиятни барча ҳаракатларини функционал режалаштиришни ва координацияни талаб этади . Болалар боғчалари, тайёрлов ва оддий мактаблар нафақат ўз оилаларида яшовчи ногирон болаларга балки мактаб ётоқхоналарида ва жамоа билан яшаш уйларида яшовчи болаларга мўлжалланиши лозим. Айнан шу нараса махсус жихозланган устахоналарга ва катталар учун мўлжалланган кундузги марказларга таъллуқли. Улар нафақат ўз уйларида балки ижтимоий уйларда ёки жамоа бўлиб яшовчи уйларда ҳам имконият даражасида бўлиши керак. Худди шу сингари бўш вақтни ўтказишни жамият дастури ҳам ўз уйларида яшовчилар ва бошқа турмуш тарзида ҳаёт кечирадиганларни ҳам мўлжаллаши керак. Шунингдек, уларни дам олиш кунларида ижтимоий эҳтиёжлари инобатга олинади. Бундай функционал режалаштириш нафақат ёпиқ муассасаларни "очишга" ёрдам беради, балки уйда ақлий бузилишга эга бўлган фарзандлари бор ота-оналарга танлаш эркинлигини беради. Уларни катта ёшдаги ўғил ва қизлари ўзлари кўниккан уйга монанд турар жой танлашлари мумкин .

Нормал ҳафталик ритмда яшаш функционал бузилишларга эга одамлар учун ижтимоий тренингга ва тажриба йиғишга кўп имкониятлар беради, жамиятни бошқа аъзолари билан бир хил ҳаёт шарт шароитларида эканлигини англаши, инсон ўз ривожланиши ва етилишида салмоқли ўрин тутди.

Шаклига кўра турлича турар жой ёки машғулоти ўтиш учун мўлжалланган жой вакиллари ҳаракатига биноан атрофдагиларни кузатиш ва

ахборот алмашилиш жараёни натижасида у янги тажриба ва билимларини эгаллайди. Бу эса унинг шахсий мотивациясини ва касбий статусини оширади. Ёпиқ муассасаларда бу ривожланиш вакиллари (хизматчилари).

Илгари ўз парваришларида бўлган инсонлар учун "хос" бўлган ўзини хулқи, тутиши шакллари йўқотиб ҳаёт шароитларини яхшилашиши туфайли ўз шахсий мотивациясини ошиб бориши сезиларли тусда бўлади.

Йирик ёпиқ муассасаларда нормал ҳафталик ритмни иложиси бўлмаган — иложиси йўқ ва у жамиятни, ногиронларни парваришлаш бўйича барча ҳаракатларини функционал координациясини талаб этади.

Нормал йиллик ритм. Нормаллаштириш бу барча фасллар алмашинуви ва шахсий байрам ва анъаналарни инобатга олган ҳолда нормал йиллик ритмда яшашни аглайди. Нормал йиллик ритм нафақат фасллар алмашинуви ёки анъаналарни, оила аъзоларининг шахсий байрамларини балки, шунингдек ижтимоий тадбирлар ва маҳаллий ва диний байрамлар билан боғлиқ одатларни ифодалайди. Йил давомида иш кунлари изчиллигини бузувчи бу байрамлар ва тўхталишлар фаоллик ва тажрибага овқатланиши ва кийим танлашга, уйдаги ва унинг ташқарисидаги ҳаётга, масалан диний ва маданий, спорт анъаналарига таъсир этади. Бу ижтимоий малакаларни бўлишини талаб этади. Лекин ҳеч ким ўз функционал бузилишлари туфайли четда қолиши керак эмас.

Турли жамият тадбирларида иштирок этиш, фуқаролик тажрибасини ва ўзига бўлган ишончни, ўзини тўғри баҳолашни ва умум тан олинган ижтимоилашувни беради. У ёки бу муҳитда оғир ногиронларни мавжудлиги алоҳида баъзи фикрларни енгиб ўтишга сабаб бўлади.

Йирик ёпиқ муассасалар ўзида нормал бўлмаган муҳитни намоён этади. У ерда йил фаслларини алмашинуви ташқарига нисбатан сустрок сезилади.

Ёпиқ муассасаларда нормал йиллик ритм қандайдир сунъий, нотабий бўлган, бўляпти, очик жамиятларда эса у жамият хаётида иштирок этишни таъминлайди.

Хаёт циклини кечишининг нормал шакллари.Нормаллаштириш шунингдек, хаётда ривожланишнинг барча босқичларини босиб ўтиш имконини мавжудлигини англатади: болалик, ўқувчи, ўсмирлик, катта ёшдаги инсон..

Ота-оналар тангликлари.Функционал бузилишларга эга фарзандлари мавжуд ота- оналар хаёт цикли мобайнида 2 босқичдан ўтади: улар давомида нормал жараёнлар синади ёки бузилади . Бу бир ёки бир нечта функционал бузилишли фарзанд дунёга келганида ёки бирор оқибатда болада бундай бузилиш вужудга келгани биринчи босқич ҳисобланади. Иккинчи босқич болани ўсиб бориши билан кечади, икки босқич ҳам ота-оналар учун хал қилувчи аҳамиятга эга ва шунинг учун улар бола ва ўсмирнинг ривожланиши ва илк хаёт ютуқдарига етарли даражада таъсир кўрсатади. Айнан шунинг учун ёш ва ёши катта ота-оналарнинг осуда хаётларини қўллаб қувватлаш ота-оналар ташкилотлари олдида турган асосий масалалардан биридир . Ота-оналар ўз хаётлари охирига яқинлашгани сари яна бир танглик вужудга келиши мумкин. Бунда улар қисман ёки тўлиқ нутқнинг йўқлиги билан кечадиган функционал бузилишларга эга фарзандлари билан шахсий тажрибада ва бебаҳо хотиралари билан ўзга ҳеч ким таниш эмаслигидан азият чекишади.

"Хаёт тарихи" ни фотосуратли китоблар, табрикномалар, расмлар ва кичик хикоялар тузиш хизматчиларда бу бола ҳақида чуқурроқ билимга эга бўлиш ва улар билан мулоқотга киришишга ёрдам беради, бу эса ота-оналарни тинчлантиради.

Эрта болалик.Функционал бузилишларга эга бола бошқа барча болалар катори меҳрибонлик ва яқинликка, инсонлар билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж сезади .

Хеч қайси врач ёки бошқа инсон вазиятни қийинлаштирмаслиги ота-оналар тушуна олмайдиган ёки амалда қўллаб қувватлолмайдиган узоқни кўзловчи қарорлар қабул қилишга шошилмаслиги керак . Биз шуни биламизки, болани интеллектуал ва ҳаракат функцияларини шунингдек, унинг хиссий ва шахсий ривожланишида ота-оналар меҳрибонлиги катта ўрин тутеди. Айнан шунинг учун врачлар ҳамжамияти ва бошқа жамият ташкилотлари бундай оилаларга маслаҳатлар бериб бориш замирида ушбу этик меъёрларга ва ушбу психологияга катта эътибор билан ёндошишлари айниқса муҳимдир.

Агар натижада ногирон бола илгаригидек ўз ота-онаси билан яшай олмаслиги ва унга мос оила топилмаётганлиги аниқланса, унда болани илк муҳитли болалар , хизмат кўрсатувчи персонал ва ота-оналар доим яқин муносабатда бўладиган катта бўлмаган гуруҳли яшаш уйларига жойлаштириш керак . Хизматчиларни алмашинуви минимал бўлиши лозим, чунки айнан шу йўл билан болани ҳар томонлама ҳимоясини ва ота-она ўрнини босувчи инсонлар билан мулоқотга киришиш имкониятларини таъминласа бўлади.

Функционал бузилишли бола ўзининг хиссий таъсуротларини бойитувчи билим ва малакаларини суғорувчи асосга эга муҳитда ўзига ҳос ўсиш ва ривожланиш эҳтиёжига эга.

Хизматчиларни болаларга нисбатан меъёрларга зид муносабатини, болаларда эса яшашни нотўғри стратегиясини шакллантирувчи йирик муассасаларда ушбу зарурий эҳтиёжларни қондириб бўлмайди . Бундай муассасаларда хизматчиларни аниқ болаларга эмас, балки аниқ масалаларга йўналтирилган амалиёти кўп ҳолларда мувоффақиясизликка учраган . Бунда бир хизматчи бир қанча болаларни ҳар томонлама парваришlashга масъул бўлади. Сўнгги ҳолатда хизматчи амалиётни автоматик айланмаси билан эмас, балки болалар эҳтиёжлари билан ҳисоблашади.

Болаларни гуруҳли яшаш уйлари - мактаб ётоқхоналари – фақатгина зарурий жисмоний парваришни таъминлаши керак эмас. Аввалам бор, у

болалар учун ўз уйлари бўлиши керак, иккинчидан болаларга ривожланиш стимулларини тақдим этиш керак ва учинчидан, жамият бу болаларга оддий боғча ва тайёрлов мактабларига ва уларни ривожлантирувчи дастурларга йўл очиб бериш керак .

Жисмоний нуқсонга эга ногирон болага янги таъсуротларни олишга тўқинлик , унда бу болага нафақат даволовчи жисмоний тарбия билан шуғулланишигина эмас, балки уни ҳаракатларини кучайтирувчи ёрдамчи техник воситалар имконини ҳам бериш лозим .

Ақлий бузилишга эга бўлган болаларда бўлиши мумкин бўлган қўшимча функционал бузилишлар - церебрал фалаж ёки бошқа ҳаракат функцияларини бузилишлари - кўрлик, қарликни олдиндан инobatга олиш ва уларга таъсир этиш лозим, бу ақлий қолоқликни чуқурлашувини олдини олиш учун зарур. Шу ерга аутизмга эга бўлган болани парваришlashга қўйиладиган асосий талаблар ҳам кириб кетади.

Мактаб ёшида. Мактаб ёши муҳим давр саналадиган интенсив ривожланишнинг шундай босқичи, инсон нуқтаи назаридан ўз имкониятлари ва қобилиятларини англаш давридир. Ўз-ўзини тушуниш билимларига эга бўлишдан , мактабни яқунлагандан сўнг нормал ҳаёт кечириш учун зарур бўлган ўзини баҳолаш , ўзига баҳо бериш жихатидан муҳим босқичдир. Мактаб даври, бу шундай даврки , унда мактаб ташқарисидан олинган таъсуротлар шахс шаклланишида ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ривожланишда орқада қоладиган мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирлар таъсуротларини чегаралаб ёки хиралаштириб қўядиган ёпиқ муҳитда яшамаслик керак. Шунингдек болалар имкон қадар ўзига тенгдош ногирон бўлмаганлар билан муносабатда бўлиб, ижтимоий тасаввурларга эга бўлишлари, уларнинг ижтимоий мослашуви эса улар учун оддий ҳаёт тарзини ва очиқ жамиятни оддий шартларини тажрибада қўллай олишга асос бўлиши керак.

Бу маънода эшитиши заиф болалар мустасно ҳолат бўлиб, улар учун имо-ишора нутқида ўқитадиган махсус синф ташкил қилиб бўлмайди. Уларга мактаб-интернатга бориш имконини бериш лозим, бу ерда улар нутқий ва тушунча муносабатларида ривожлана оладилар шунингдек имо -ишора нутқини билмайдиганлар билан алоқада бўлишда зарур бўладиган билим ва малакаларга эга бўладилар.

Йирик ёпиқ муассасада яшаётган болалар катталар ҳаёти ҳақида асосан хизматчиларни кузатиб маълумотга эга бўладилар, бу эса уларга чегараланган билим ва тажрибани беради. Яна бир ҳавф шунда мужассамки, муассасада қобилиятлар қотиши мумкин, чунки ривожланишида юқори потенциалга эга болалар кўпчиликка мажбуран мослашадилар.

Ёпиқ муассасаларда боланинг ривожланиш муҳитлари - педагогик, ижтимоий, рухий нуқтаи назардан тўғри келмаслиги илмий исбот қилинган.

Хатто оғир ақлий қолоқликка эга болаларни мактабга боришлари учун мақсадга йўналтирилган ва ёрдамчи педагогик воситалар билан таъминланган ўқув режаси зарур. Ҳозирги кунда бунга халқаро миқёсда имконият бор. Бундай ўқитиш ота оналарга фарзандларини мактабда олаётган билимларини юкига кўра уйда қолдириш имконини оширади. Бу эса ҳозирда ёпиқ муассасаларда яшовчи болаларни кейинчалик жамоа бўлиб яшаш хонадонларига ва мактаб ётоқхоналарига ўтиш ва очиқ жамиятда яшашга тайёргарлик бўлади. Шу тарзда очиқ жамиятга интеграциялаш берадиган тизимдан фойда келтириб чиқариш мумкин.

Оғир (мураккаб) нуқсонли ногирон болалар ҳақида.Интеграциялаш - бу инсонга куч бахш этадиган ва уни юксалтирадиган жараёндир. Агар у тўғри ташкил қилинса , - У ногирон боланинг кучлироқ намоён бўлишига ва кадр қиммат хиссини салмоғини ошишини беради. Шуларни эътиборга олиб интеграциялаш имкон қадар максимал даражада қўлланилиши лозим.

Ўзларини ажратиб қўйилганлар сингари сезмаслик учун дўстлар орттириш ва улар билан вақтларини ўтказиш – айниқса болалар учун жуда муҳим.

Кўриш нуқсонига, шунингдек ривожланишида орқада қолган бола ақлий бузилишга эга тенгдошлари билан бир синфга бориши мумкин, албатта агар улар мутахассислар томонидан етарлича кўмак ва зарурий воситалар билан таъминланса.

Айнан шулар жисмоний функционал бузилишларга ва ривожланиши орқада қолган болаларга ҳам таъллуқлидир. Тажрибаларнинг кўрсатишича, функционал бузилишга ёки ўхшаш муаммога эга болалар билан биргаликда эканлигидаги гуруҳ динамик эффекти - (мактабда бўш вақтларда , машғулотларда) ўзига хос қийинчиликларни енгишга ёрдам беради ва ахамиятли бўлиши мумкин.

Ақлий бузилишга эга шунингдек, эшитишида нуқсони бўлган болалар шу гуруҳ учун махсус ташкил этилган синфларга бориш имконига эга бўлишлари керак - бу уларга тўлиқ таълим олишга ва имо - ишора нутқини доимий амалиётини таъминлайди . Бу уларни карлар маданий жамияти билан муносабатларини осонлаштиради. Худди шундай катта ёшда ҳам улар бирга гуруҳли хонадонларда яшаш имконига ва имо - ишора нутқидан фойдалана оладиган хизматчиларни бўлишига имкони бўлиши керак . Бундай ногиронларни парваришлаш учун хизматлар карларга ўқитувчи ва хизматчиларни ишини таклиф этади .

Нормаллаштириш тамойилини қўлланилганлиги сабабли ақлий бузилишга эга шахслар, шунингдек карлар маданий бирлашмаларига интеграциялаш имконига эга бўладилар.

Катталар. Болалар ўз ота-оналари билан яшашлари ва ёшлари катта бўлишгач ота-оналарининг уйларини тарк этиб, ўзлари мустақил ҳаёт бошлашлари ҳам нормалдир.

Аммо, ўсмирлик билан видолашув ва катта одамга айланиш айниқса ақлий бузилишга эга шахслар учун - анча узоқ , оғир ва бошқаларга нисбатан тушунарсиз жараёндир . Кўп ҳолларда уларни ўзлари ҳақидаги тасаввурлари чалкашиб, ноаниқ бўлиб қолади . Улар билан доим ҳам катталар сингари

муносабатда бўлишмайди, катталар сингари қабул қилишмайди ва ҳурмат қилишмайди. Бунда атрофдагилар муносабати хоҳ улар ота-оналари, қариндошлари, хизматчилар ёки жамият бўлсин катта аҳамиятга эга.

Барча сервис хизматлари ногиронларга мос касб ёки меҳнат таълимини ташкил қилишлари , гуруҳли яшаш хонадонларидаги, ўз хонадонларида ҳаёт малакаларини ривожлантиришлари, катта ёшда таълим олиш имкониятларини яратишлари, ижтимоий тренингларни кенгайтиришлари, жинсий маданиятни таркиб топтиришга ёрдам беришлари зарур.

Ёшлар учун ташкил этилган тренинг -дастурнинг мақсади ногиронларнинг кундалик ҳаётда имкон қадар мустақил бўлишлари, шунингдек жамият ҳаётида улар истаганларича ёки имкониятлари даражасида иштирок этишларига имкон берадиган ижтимоий малакаларни ривожлантириши керак.

Бундай дастурлар нафақат реал мотивация беради , балки функционал бузилишларга эга одамларни шахсий қизиқишларини ҳисобга олади . Бундай тарзда уларга қарор қабул қилишни машқ қилиш учун жуда муҳим имконият бериш мумкин : қарор қабул қилиш имконияти - етилиш ,ўсиш , лаёқатни ривожлантириш, ўзини катта инсон сифатида қадрини англаш жараёнини ташкилий элементидир. Бу турдаги дастурлар нафақат бирор инсонга ёрдам беради, балки ота-оналарда юзага келувчи муаммоларга тўғри ечимларни таклиф этади . Одатда, катта бўла бошлагач ёшлар таълим оладилар ва иш топадилар , ота-она уйларини тарқ этиб оила қурадилар , фарзандлар орттирадилар ва уларни ота-оналари билан муносабатлари доим ўзгариб туради .Бу ота-оналарни кексайишига кўра содир бўлади . Аммо ёши катта ногиронлар - қизи ёки ўғлини бўлиши бундай намунага доим ҳам мос келавермайди. Бу ота-оналар стрессларига ва улар томонидан ҳаддан зиёд парваришларга олиб келади, бу эса ўз навбатида уларнинг болаларида стресс ва қўрқув ҳолатларини, ҳатто камситилиш ҳиссини уйғотиши мумкин. Бу ерда гап деярли тасдиқланган ҳавотир ҳақида кетяпти, у функционал

бузилишга эга одамга ҳам унинг оиласига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун умум қабул қилинган намунага амал қилиш етарлича кўмак беради, бу вазиятда уни функционал бузилишга эга ўғил ёки қиз шунингдек, бутун оила ўзаро муносабатларини нормал давом эттириш учун олади.

Ижтимоий шарт шароитларда изланишлар шунини кўрсатдики: ақлий бузилишга эга одам ҳаёти қанчалик мустақил ва унинг кундалик ҳаёт фаолияти қанчалик адекват бўлса у ўзини ҳаётда яхшироқ ҳис қилади - худди бошқалар сингари. Аммо жамиятни бошқа аъзолари билан бўладиган муносабат ва бўш вақтни ўтказиш ҳақида сўз юритилса кўп ҳолларда бу ва бошқа инсонлар орасидаги фарқ улкандир . Бу муносабатлар ва ҳордиқ нисбатан чегараланган пассив ва тор ёки илгари таъкидланганидек улар умуман бўлмайди

Катта ёшда қизиқиш, билим ва малакаларни кенгайтириш борасида таълим олиш вазиятини яхшилашда ижобий имкониятларни келтириш мумкин . Ўқиш учун қулай ва содда тилда ёзилган китоблар, газета ва журналлар катталар учун бой маданий ва ижтимоий ҳаёт билан яшаш имконини беради, спорт билан қизиқувчилар учун шунга ўхшаш йўллар мавжуд. Демократия асосларини ва йиғилишлар ўтказиш технологиясини ўрганиш курслари иштрокчиларда ўзларини шахсий клуб ва комитетларида фаолият олиб бориш қобилиятларини кучайтиради , қарор қабул қилиш имконини беради, ўз истакларига кўра ҳордиқларини ташкил қилишга ва ифода этиш шакллари таклиф этадилар. Шунингдек, бу комитет ва турли ташкилотларни бошқарув органларини ва спорт клубларини бирор топшириқларини бажаришга йўл очиб беради.

Бу турдаги дастурлар ўз олдига иштрокчиларни бошқариш, уларни доимий машқ қилишини ва бу билан уларни тобелигини мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўймайди. Аксинча, катталарга қулай йўналтирилган педагогик методларни ва иш шакллари қўллаб, улар бу инсонларга янги қизиқишларни пайдо бўлиши, ижтимоий малакаларни мустаҳкамлаш ва

бирор нарсага таъсир кўрсатиш билимларини эгаллашлари учун шарт шароитлар яратишга ёрдам беради .

Улар маданият ва ижтимоий тадбирларда иштирок этиш имконини беради ва шу билан ақлий бузилишга эга одамларни мустақил ва жамиятга таъсир ўтказа оладиган вакил сифатида англашларига олиб келади.

Хурмат ва танлаш ҳуқуқи. Нормаллаштириш тамойили шунингдек, функционал бузилишга эга одамларнинг талабларини, истакларини уларни танлаш ҳуқуқларини максимал даражада хурмат қилиш ва инобатга олиш кераклигини англатади. Ўз шахсий комитетларини туза оладиган инсонларни интилишларини рағбатланриш лозим. Уларнинг вакиллари эса ишчи хизматчилар билан бирга қоидалар, тартиб ва воқеаларни муҳокама қилишда қатнашишлари лозим.

Бу ушбу тамойилни марказий ташкил этувчиси бўлиб у гапира олмайдиган ёки фикрини баён этиб бера олмайдиганлар фикри ҳам инобатга олиниши кераклигини англатади. У шахсий ўзликни хурмат қилиш заруриятини англатади : агар имкон бўлса , функционал бузилишли инсонинг ўзи у қийимларини , мебел ва бошқаларини сотиб олиши зарур ёки вазиятга кўра уларни сотиб олинишида иштирок этиши керак .

«Хурмат ва танлаш ҳуқуқи» ёпиқ муассасаларда камситувчи гуруҳга эга , очик жамиятда эса бу фуқаро сифатида жамият ишларида иштирок этиш имконини ва мувоффақиятли иш олиб борувчи демократияни англатади.

Ушбу маданият учун хос бўлган нормал жинсий ҳаёт шакллари.Нормаллаштириш шунингдек инсонлар "2 жинс" дунёсида яшашларини англатади. Ақлий бузилишга эга инсонларни бундай муносабатлари билан боғлиқ хавф хатар юқори даражада оширилган эди. Бу кўп ҳолларда ақлий бузилишга эга одамларга зарар келтирадиган табиий бўлмаган сегрегацияга олиб келган ва уларни табиий ривожланишига тўсқинлик қилган. Улар ҳам бошқалар сингари анча озод ва табиий шароитда

муносабатда бўлиш имконига эга бўлишлари лозим — нафақат болалар боғчаларида, бирор машғулотда, уйларида балки ўз турар жойларида ҳам. Тажрибаларнинг кўрсатишича, жамоа бўлиб яшаш хонадонларида ва турли турдаги муассаса бўлимларида эркак ва аёлларни бирга яшаши билан боғлиқ юқори поғоналар мавжуд. Бунинг натижасида яхши хулқ ва анча табиий муҳит шаклланади. Биз барчамиз бу нарсани англашимиз лозим . Бу хислар сохаси ва жинсий лаёқат у ёки бу даражада ҳаётнинг ташкилий қисмларидир ва улар доим илк болаликдан кексаликгача турлича намоён бўлади. Биз муҳаббат пайдо бўлганида у жуда қадрли ва бирор кимга тақдим этишимиз мумкин бўлган нарса эканлигини, уни ривожлантириш ва идеал ҳолатларда уни узоқ вақт мобайнида сақлашимиз муҳимлигини англаймиз. Биз биламизки, болалар шундай зотки, уларни севиш , ардоқлаш , парваришлаш, кўп йиллар давомида йўналтириб туриш лозим .

Жинсий маърифат ҳар бир инсон учун тушунарли шаклда берилиши ва биргаликдаги ҳаётни омадли бўлишни ўз ичга олишни билиши лозим . Шунингдек ўзаро ҳурмат , гигиена ҳақида ва турли контрацепция воситаларини қўллаш ва ҳомиладорлик ҳақидаги билимларини ёритиши лозим. Авваллари мажбурий ва камситувчи стерилизациялар ўтказилган, ҳозирда эса турли контрацепция воситаларидан фойдаланишга биноан ундан воз кечиш мумкин. Бундан ташқари, касалланиш хавфи мажбурлаш ва ҳўрлаш , ўзини химоя қилиш , ўзига нисбатан хавф туғилганда яқиндаги инсонга мурожаат қилиш кераклиги, иложи борича полицияга хабар бериш кераклиги ҳақида маълумотлар берилади. Мана шу ҳажмдаги билимларни эгаллаш зарур бўлади!

Баъзи одамларга никоҳ қуриш билан боғлиқ ва бола ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунлар ҳақидаги билимлар ҳам керак бўлади. Шунингдек, улар болани парваришлашни билиш лозимлигини ва уни парваришлашда жамият хизматчилари билан ҳамкорликда бўлиш зарурлигини билишлари лозим .

Жинсий хаётни нормал шаклларини ёпиқ муассасаларда юзага келтириб бўлмайди, очик жамиятда эса реал талаблар ва имкониятлар мавжуд.

Ушбу мамлакат учун хос бўлган нормал иқтисодий шакллар ва ҳуқуқлар. Ақлий бузилишга эга инсонлар имкон қадар нормал даражадаги хаётга эришишлари учун албатта уларга бошқа барча инсонларда мавжуд фундаментал иқтисодий ва ижтимоий химояни таъминлаш лозим. У умумий ижтимоий қонунчиликка ва компенсацион иқтисодий ёрдамчи ўлчамларга боғлиқ бўлади . Бу масалан, болалар нафақаларини, вақтдан илгари нафақани , ишга кўра нафақани , минимал маош ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

Бирор турдаги ёпиқ муассасаларда яшайдиганлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак бу маблағни катта қисми озиқ -овқатга ва яшашга сарфланиши мумкин, аммо турли сарфлар учун зарур бўлган кундалик пул миқдорини бу инсон доимий равишда олиб туриши лозим , бу реал ижтимоий тренингга асос солади, унга эркин танлаш имконини беради ва шахсий компетентлик хиссини оширади .

Ижтимоий – иқтисодий нуқтаи назаридан ҳозирда барча ёпиқ муассасалар умуман самарасиз бўлса керак. Улар ўзлари таъсарруфларидаги инсонларни онгсизлаштиради ва уларни ижтимоий муносабатларда сустлаштиради, шунингдек хизматчиларни мутахассислигига салбий таъсир кўрсатади, чунки ишчилар ҳаракатлари ижтимоий жихатдан кўриб чиқилган аҳамиятли натижаларга олиб келмайди .

Ёпиқ муассасалар учун хос бўлган фикрлар образи ўзи ортидан шунингдек, сарфлар уларнинг самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланмаётганлиги билан боғлиқ ҳавфни етаклайди. Маблағини мосламаларга эмас, инсонларга ва хизматчиларнинг таълимига сарфлаш лозим . Улар эса йилдан йилга тажриба орттириб борадилар . Ёпиқ

муассасалар иқтисодий шаклдан четга чиқадилар. Маблағини кадр ресурсларига ва ногиронларни ўқитишга сарфлаш лозим.

Ушбу жамиятда атроф мухитга ва турар жой стандартларига қўйиладиган нормал талаб.Нормаллаштириш тамойили - турар жой стандартларига масалан, мактаб ётоқхоналари, жамоа бўлиб яшаш хонадонлари ва бошқа хонадонларга қўйиладиган талаблар бошқа фуқароларга қўйиладиган талаблар билан бир хил бўлиши лозимлигини англатади . Бу функционал бузилишга эга инсонлар турар жойи ҳеч қандай вазиятда улар рози бўлган инсонлар сонидан ортиқ инсонга мўлжалланиши керак эмас . Вақт ўтиб боргани сайин ёпиқ муассасалар тобора самарасиз бўлиб бормоқда, чунки маош ва бошқа сарфлар ўсиб борган, аммо натижаларни сезиларли яхшиланиши бўлмаган. Хизматчи персонал,ота-оналар шунингдек, ақлий бузилишга эга одамларни шартларини инсонийлигини кўриб чиқиш талаблари ҳам кейинги ривожланишга асос бўлади .

Жисмоний бузилишга эга инсонлар учун ижтимоий интер фаолликни ва ҳаракатланишни осонлаштирадиган махсус техник мосламалари мавжуд мухит зарур. Ёрдамчи техник воситалар билан бу одамлар катта мустақилликка ва шахсий ҳаётларида кўп имкониятларга эга бўладилар .

Изоляция ва сегретация инсоний кадр -қимматни туширади ва турли фикрларга замин яратади. Ақлий бузилишга эга одамлар ҳаётини интеграция ва нормаллаштириш ота-оналари билан нормал шароитларда яшаш имконини беради ва инсонлараро муносабатларни ривожланишини юзага келтиради, бу эса ногиронни жамиятда тушунилиши ижтимоий сабр ва унинг интеграциясига асос бўлади .

Функционал бузилишга эга одамларни зарурий эҳтиёжларга мослашувчи оддий иш жойи ва мактабларни қўлланилиши амалда тежамкорлироқдир . Бу махсус мактаб ва иш жойларини барпо этишдан қулайроқ. Чуқур оғир ёки мураккаб ногиронликка эга одамлар учун очик

жамиятни шундай фаолият турларига имкон яратилиши керакки, у ердаги жой ва атроф мухит жуда мухим касб этади, бунинг учун ногиронларни харакатланишларга боғлиқ бўлган махсус транспортлар, мосламалар зарурияти келиб чиқади.

Ёпиқ муассасалар нормал мухитнинг аксидир. Очиқ жамиятда яшовчи функционал бузилишга эга одамларнинг турар жойлари баъзида ушбу жамиятни бошқа гурухлари учун ҳам фойдали бўладиган мослашувини талаб этади .

Ақлий бузилишларга эга одамларни ўқитиш жараёни учун нормаллаштириш жараёнини устунликлари.

Юкорида номи келтирилган нормаллаштириш тамойилини 8 та ташкил этувчиларига риоя қилиш, ақлий бузилишга эга аниқ бир одамни хаёт вазиятини нормаллаштириш имконини беради. Нормаллаштириш тамойили кўпчилик учун тўлиқ мустақилликка ва ижтимоий интеграцияга эришиш имкониятларини очиши мумкин. Хатто, бутун умрлари давомида у ёки бу даражада парвариш олишлари зарур бўлган инсонларга ҳам нисбатан мустақилликка эришишга ёрдам бериши мумкин. Бирор ривожланиши жиддий орқада қолган ёки мураккаб тиббий, рухий ёки ижтимоий турдаги ногирон инсонлар бирор кимсага тобе бўлганларида ҳам жамиятда қабул қилинган нормал хаёт кечириш имконига эга бўлишлари мумкин.

Ақлий бузилишга эга болалар, ўсмирлар ва катта ёшдаги инсонлар учун деярли хар бир вазият педагогик ахамиятга эга. Билим олишга ва ўқишга хар бир фуқарони ҳақ ҳуқуқи бўлганидек, бу инсонлар ҳам ўзларига мос келадиган ўқиш, тренинг ва ривожланиш ҳуқуқига эгалар . Ўз -ўзини баҳолаш учун алоҳида қобилиятларни ривожланиши доимо бутун шахсни ривожланишига таъсир этади . Шунинг учун ақлий бузилишга эга одамлар билан машғулот ўтказиш, уни хаётини шакллантиришда иштирок этаётган одамларга жиддий масъулиятни юклайди. Ривожланишда орқада қолиш инсон учун катта қийинчиликлар туғдиради ва унда тушкунлик хиссини

уйғотади, бу эса унда ўзига баҳо беришни шакллантиришга кўмаклашиш заруриятини тобора орттиради .

Рағбатлантириш ва бой таъсуротларга биноан инсон ўзини фаол шахс сифатида қабул қила олади, кам рағбатлантириш эса шу вақтни ўзида кўшимча ногиронликни юзага келишига олиб келади . Ўзига хосликни англашни ривожланиши -катта ахамиятга эга. Ўзини ҳеч кимлиги хисси-хавфли ва зарарли. Ақлий бузилишга эга инсонни ўзи ҳақидаги тасаввури унинг шахсий билимларини ижобий сезишга кўра шаклланиши керак. Бошқалар томонидан ажратиб қўйиш, ишончсизлик, қўрқув ва кучсизлик хиссини уйғотади .

Ўзини ҳурмат қилиш хиссини ривожлантириш учун ақлий бузилишга эга одам ўз интилишлари орқали турли ишларни уддалай олаётганини англаш имконига эга бўлиши ва шу билан ўзига масъулиятни олишни ўрганиши керак . Демак , кўп ҳолларда шахсий фаолликка имкон бермайдиган ҳаддан зиёд тор ва химояланган муҳит уни омадсиз эканлиги, унинг ҳаётий мавқеи ва эътиборини йўқлиги хиссини уйғотишга олиб келади.

Ўз қадр қиммати хиссини ривожланиши ўзини тутишни маълум даражасига етиш борасида ҳал қилувчи фактор бўлиши мумкин. Шу вақтни ўзида бошқалар томонидан ҳурмат ва эътиборни кўрсатилмаслиги ҳавф-хатар ва бўшлиқ хиссини уйғотади .

Ақлий бузилишга эга одам ўзини катта ёшдаги масъулиятли ва ўзига тўғри баҳо бера оладиган инсон сифатида қабул қилиниши лозим бўлган босқичга етганда бу барча омиллар асосий ҳал қилувчи ахамиятга эга бўлади. Бу омилларни муҳим саналиши шунчаки, улғайиш шунингдек ўз ақлий қоқоқлигини англаб яшашга ўрганиш заруриятини англатади.

1.2 Инклюзив таълимни бошлаш ва ёрдам бериш

Инклюзив таълим-бу (ногиронлиги ёки бошқа сабаблар туфайли) махсус таълимга муҳтож болалар ва ёшлар учун мослашувчан ва индивидуаллашган ёрдам тизимидир. У умумий таълим тузилишининг

муҳим қисмини ташкил қилади ва ҳамма учун бирдек таълим берувчи оддий мактабларда олиб борилади.

Анъанавий термин «махсус таълим» ногирон ўқувчилар таълимини умумтаълим мактабдан ташқарида ёки у билан боғлиқ ҳолда олиб бориловчи тизимни англатади.

Инклюзив таълим асосан оддий синфларда ва ўқувчиларга яқин бўлган оддий мактабларда олиб борилади. Оддий синф муҳитидан ажратиш, оддий синфларда таълим олишда қўшимча ёрдам ва хизматлар олиб борилаётган таълим, ижтимоий ва ички эҳтиёжларни ўқувчилар талабига жавоб бераётганлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса, қисман ёки мустасно ҳолларда, тўла амалга оширилиши мумкин.

Инклюзив таълим болаларнинг турли эҳтиёжлари ва қобилиятлари, жумладан уларни ўрганиш усуллари ва босқичларидаги фарқларни аниқлайди ва уларнинг эҳтиёжларини қондиради. Бу индивидуаллашган ўқитиш методи ва мувофиқлаштирилган ўқув режа ҳамда эшитиш асбоблари ва материаллар асосида амалга оширилади.

Инклюзив таълим жамоавий иш бўлиб, жавобгарлик бутун мактаб жамоаси бўйнига юклатилади. Бунда синф раҳбари ёрдам кўрсатиш борасидаги хизматларни бажариш орқали асосий ролни ўйнайди. Бу каби ёрдамлар турли хил шаклларда бўлади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Кўчиб юрувчи-қатновчи, махсус тайёрланган Ресурс ўқитувчи, вазифаси:

- Синф раҳбарига маслаҳат ва ёрдам бериш.
- Махсус ўқитиш қўлланмалари ва материаллар билан таъминлаш.
- Ота-оналар, кўнгиллилар ёки катта ўқувчилар томонидан мавжуд бўлган ёрдамларни таъминлаш.
- Ўқув режа, дарс жадвали ва баҳолаш йўл-йўриқларига мослашиш ва ўзгаришларга кўникиш масалаларини шакллантириш.
- Ўқитувчилар малакалари ва билимларини ошириш учун шароит яратиш.

- Фаол ва қўллаб-қувватловчи рахбар ва шу кабиларни ўз ичига олган ижобий мактаб мухити бўлиши шарт.
- Маъмуриятга болаларни аниқлаш ва баҳолашда ёрдам кўрсатиш.
- Ижтимоий, психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш.
- Кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар бериш.

Инклюзив таълимни бошлаш.

А. Излаб топиш ва ёрдам бериш.

- 1 -2 синфдан бошлаб ҳар бир бошланғич мактабда ўқитувчи томонидан ташкил қилинган оддий шаклдаги қурол ёрдамида (берилган мисолга қаранг) мактабларда махсус ёрдамга мухтож болаларни излаб топиш.
- Тиббий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатувчи ходимлар ва бошқа шу ҳақида қайғурган шахслар ёрдамида мактабдан ташқарида инклюзив таълимга мухтож болаларни излаб топиш.
- Махсус ёрдамга мухтож болаларни излаб топилгандан сўнг, баъзи тиббиёт ходимлари ва махсус тайёрланган махсус таълим ўқитувчилар жамоаси уларга кейинги ёрдамларни ҳам бериб боришлари шарт. Уларни кўнглини чўктирманг!
- Баҳолаш натижаси сифатида ҳар бир болага белгиланган режа асосида ёрдам берилиши керак!
- Ота-оналар ҳар доим жалб этилиши керак!
- Инклюзив таълимни бошлашдан олдин мактаб ва ота-оналарни огохлантириш орқали унга керак бўлган муҳитни яратинг. Салбий муносабатлар ва нотўғи тушунишлар ёмон натижаларга олиб келиши мумкин.

В. Инклюзив таълимни олиб бориш.

- Бошланғич кадам хар доим оддий синфларда индивидуал эхтиёжларга мос равишда таълимни жорий этиш билан бошланиши керак.
- Оддий синфларда тахсил оладиган махсус таълимга мухтож болалар ўқитувчи синф тахтасига яқинроқ ва зарур бўлса, ёруғлик кўп тушадиган жойга ўтиргизилиши керак. Махсус таълимга мухтож болалар билан иложи борица оддий муомалада бўлинг!
- Махсус таълим бўлими учун Ресурс хона сифатида махсус мос келувчи хона ёки жой танланиши керак. Оддий синф хонасидан ташқари қўшимча йўл-йўриқлар бериб борса бўладиган хона бўлиши керак. Мураккаб эхтиёжлари бўлган, ўрта ёки оғир қийинчиликлари бор бўлган болаларга қўшимча, вақтинчалик ёрдамлар кўрсатиш талаб этилади.
- 10-15та ўқувчидан кўп бўлган махсус таълим бўлимини ташкил этманг. Акс холда бу болаларга ёрдамдан кўра кўпроқ зарар етказасиз.
- Бўлимни болалар бор бўлган ёки улар осонликча бориб - келадиган мактабда бошланг. 10та бола қатнагандан кўра битта ўқитувчи қатнагани яхши!
- Бўлим учун танланган жой болалардаги муаммоларга мослаштирилган тарзда шакллантирилиши керак. Кўриши шикастланган болалар бўлими яхши ёритилган ва у ерда товуш яхши ёритилган бўлиши керак. Эшитиши шикастланган болалар бўлими товушни яхши қайтарадиган маҳаллий материаллардан, нотўқима матолардан ёки шишадан тайёрланиши керак ва ўқитувчининг имо-ишоралари ва лаб ҳаракатларини кўриш учун яхши ёритилган бўлиши керак. У мактабнинг энг шовқинсиз жойда бўлиши керак. Ўзлаштиришда қийинчиликлари бор бўлган болалар

бўлими шовқин даражаси паст бўлган ва уларни фикрини жамлашга ҳалақит бермайдиган жойда бўлиши керак.

- Янги мактаб биносини қуришда ногирон болаларнинг эҳтиёжлари инобатга олиниши керак. Мавжуд мактабларда ҳаракатланишда қийналувчи болалар учун зарур ўзгартиришлар қилиниши керак. Масалан, ногироилар аравачаси юрадиган йўлакчалар, хожатхона жихозлари ва бошқалар.
- Инклюзив таълимни иложи бориша ёш, мактабгача ёшда бўлган болаларда бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ишончини уйғотиш учун жамоа қийинчиликлари енгил ва ўрта бўлган болаларда бошлангани маъқул. Улар синфдаги болалар билан бир ёшда бўлиши керак. Ҳар бир оддий синфда ногирон болалар иккитадан кўп бўлмаслиги керак.
- Мавжуд ресурсларни (қўлланмаларни) тарқатилаётганда мактаб раҳбари ва жамоа ёрдамга энг кўп мухтож болаларга кўпроқ аҳамият беришлари керак.
- Ҳаммага махсус бўлимларни ташкил этиш орқали инклюзив таълимни олиб боришдан мақсад ногирон болаларни мактаблардан ажратиб, улардан қўтилиш эмас, балки уларга оддий синфларда ёрдам бериш эканлигини тушунтириш.

С.Ўқитувчилар.

- Туман-вилоятда «Инклюзив таълим Ресурс жамоасини тузинг. У 6-8 сadoқатли ўқитувчидан ташкил топган бўлиши мумкин. Имкон қадар тайёрловдан ўтган ва турли ногиронлик ҳақида билимларга эга махсус таълим ўқитувчиларини танланг. Уларни Халқ Таълими Вазирлигидаги 6 ҳафталик курсларга жўнатиш (3 ҳафта назария ва 3 ҳафта дарс олиб бориш амалиёти).
- Ресурс жамоанинг мақсади оддий мактаб тизимида қисқа муддатли ва маҳаллий курсларни ташкил қилишдир. Бу курслар

учун Туман-вилоятдаги барча ўқитувчиларни жалб этишга ҳаракат қилинг. Бу инклюзив таълимни муваффақиятли ривожланиши учун жуда муҳимдир. Уни мактабгача таълим ўқитувчилари ва 1-3 синфлардан бошланг. Мақсад барча ўқитувчиларга инклюзив таълим тўғрисида бошланғич билимларни беришдир, Бу уларга оддий синфларда енгил таълимга мухтож болаларга ёрдам беришларида қўл келади. Бу каби болалар махсус таълимга мухтож деб топилган болаларнинг 70-80%ни ташкил қилади.

Дарсларни олиб боровчи ўқитувчилар махсус билимлар, Брайл ва бошқаларни бериш билан чекланмасдан, ҳулқ-атвор, текширув баҳолаш, гуруҳ, ишлари, дастурга мослашиш, индивидуал ўқитиш методлари, синфни бошқариш ва арзон ўқитиш қўлланмалари улардан фойдаланишга ҳам диққатни қаратишлари керак. «Синф хоналаридаги махсус эҳтиёжлар» UNESCO ресурс қўлланмаси ушбу мақсадда ишлатилиши мумкин.

- Махсус таълимга мухтож болалар ва уларнинг ўқитувчиларига ёрдам берувчи мактаблар аро қатнаб юрувчи, кўп томонлама ногиронлик бўйича ресурс ўқитувчи тизимини ривожлантириш керак. Бу вазифа учун энг яхши ўқитувчиларингизни танланг. Халқ Таълими Вазирлиги томонидан ташкил этилган махсус тайёрлов курсларига жўнатинг. Уларнинг бўйнига жуда катта жойни юкламанг, транспорт муаммоларии бартараф этинг.
- Бир хил ёшдагилар, катта ёшдаги ўқувчилар, ота-оналар, қариндош уруғлар, ишсиз кўнгиллилар ва бошқаларни ўқитувчиларга махсус ёрдамга мухтож болаларга ёрдам беришда жалб қилинг ва рухлантиринг.

- Бошқариш ва маслахат бериш хизматлари
- Вилоятлар таълим муассасалари махсус ёрдамга мухтож ёшлар ва болаларни бошқариш, ривожлантириш ва уюштиришда инклюзив махсус таълим мутахассисларига мухтождир.
- Вилоятларда маслахатлар бериш, рухлантириш ва мактабларда янгиликлар яратишга қодир инклюзив махсус таълим «Маслахатчиларига» талаблар мавжуд.

Кўрсатмалар

1.Кўриш қобиляти паст бўлган болаларни синф тахтасига яқинроқ жойга, иккинчи қаторга ўтиргизинг.

2.Хар эхтимолга қарши синф хонасидаги барча эшик ва токчаларни тўлиқ берк холда сақланг. Агар синф хонасининг жихозлари ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда кўзи ожиз болаларга маълумот беринг.

3.Кўзи ожиз одам билан гаплашишни ҳар доим ўзингизни таништириш билан бошланг. Товушни ҳар доим ҳам ажратиш осон бўлавермайди.Бу, айниқса, одамлар кўп ва асаблар таранг ҳолатларда жуда муҳимдир.

4.«кара», «эшит» деган сўзларни ишлатишдан тортинманг. Бу сўзлар бизнинг луғат бойлигимизда бўлгани каби кўзи ожиз боланинг ҳам луғат бойлигида мавжуддир.

5. Бамбукдан қилинган таёқча жуда фойдали бўлиши мумкин. Унинг узунлиги одамнинг елкасидан белигача бўлиши керак. Жуда калта таёқча одамни эгилишга мажбур қилади ва бу унинг ҳолатига тўғи келмайди.

6.Ўқитаётганда кўп томонлама сезгига асосланган ёндошувдан фойдаланинг. Болалар турли усуллар ёрдамида ўрганишади: улар кўриш, ушлаб кўриш ва эшитиш орқали ўрганишади. Кўриш қобиляти

шикастланган болалар шу каби услуб ва ёрдамлар асосида кўришдаги камчиликларини қоплайдилар.

7.Синф тахтасига ёзаётган нарсангизни кўзи ожиз бола ёзиб бориши учун иложи борица баландроқ овозда ўқиб боринг. Синф тахтасидаги кўрсатмаларни оғзаки тушунтириб боринг.

8.Янги мавзуни синфга таништираётганингизда оғзаки тилдан иложи борица кўпроқ фойдаланинг. Бола сиз фойдаланаётган хар бир кўргазмага, картага, жадвалларга яқин жойда ўтириши керак.

9.Болага турли тушунчаларни ўзлаштириши учун ўқитиш қўлланмалари ва уч ўлчамлик таълим берилиши керак. Болага ўқитиш қўлланмаларини ушлаб кўриш ва улардан фойдаланишга имкон беринг.

10.Брайлда ёзма машғулотларни тугатиши учун кўзи ожиз болаларга қўшимча 50% кўп вақт беринг.

11.қўшимча кўрсатиш учун Ресурс (мактаблар аро қатнаб юрувчи) Ўқитувчидан ёрдамлар сўранг. Масалан, ҳаракатланиш учун бамбук таёқча, ёзиш ва ўқиш учун Брайл ва математик амалларни бажариш учун шёт.

12.Ресурс (мактаблар аро қатнаб юрувчи) Ўқитувчидан болага Брайл ёки катта харфлар билан ёзилган қўшимча мажмуалар сўранг. Агар мавжуд бўлса, магнитофондан фойдаланинг.

13. Боланинг синфдошидан унга керак бўлса ёрдам беришни сўранг. Ўзингизни олиб қочмасликка ҳаракат қилинг.

14.қониқиш хосил қилганлик ва мақтов тариқасида болага оғзаки мақтов беринг ёки бошини силаб қўйинг. Бу боланинг ижобий фаолиятларини оширади. Тенгдошларига унга танқид ва ёрдам беришларини айтинг.

Кўзи ожиз болаларни қабул қилиш орқали синфга ижобий мисол бўласиз.

Умумий ўқитиш бўйича кўрсатмалар.Инклюзив таълим бу биринчи ўринда яхши умумий таълимдир.У ўз ичига қуйидагиларни олади:

Ўзингизда мавжуд барча нарсадан фойдаланинг.

Боланинг қизиқишини уйғотадиган қўлланмалардан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Боладан бармоқлари ва қўлларидан фойдалинишини талаб қилувчи кўп-мақсадли қўлланмаларни таклиф этинг. Болалар ўзларининг 5та сезги органлари орқали ўрганишади: кўриш, эшитиш, там билиш, хидлаш ва ушлаб кўриш. Шу сабабли бола кўра оладиган, эшита оладиган, таъмини била оладиган, хидини сеза оладиган ва ушлаб кўра оладиган қўлланмалардан фойдаланинг.

Тахлил қилинадиган топшириқлар.Топшириқ одатда жуда кўп кичик топшириқлардан иборат бўлади. Бир босқичда амалга ошириладиган топшириқ йўқ. Болани машғулоти муваффиқиятли бажариши учун машғулоти бир неча кичик бўлимларга бўлиб ташланг.

Машқлар кетма-кетлиги. Дастлаб осон машқлардан бошланг. Сўнгра бола олдинги машқни ўзлаштириб борган сари, машқларни қийинлаштириб боринг.

Ўзгарувчан бўлинг.Жиддий машқларни уюштирилган эркин ўйинлар ва лойихалар билан алмаштириб туринг.

Яккалаб қўйманг.Болани индивидуал равишда ўқитиш, уни яккалаб қўйиш дегани эмас. Бундан фарқли ўлароқ ҳар бир машқ барча болалар қатнаша оладиган ҳолда ўрганиш жараёнига айлантирилиши керак.

Чиқариб ташлаш яккалаш деганидир ва яккалаш дегани эса бошқача ва ёмон муомалада бўлишдир.

Хеч қайси бола ҳамма нарсани аъло даражада билмайди ва ҳамма нарсани бирдек ўзлаштиролмайдиган олмаймиз. Барча болаларга, синфдошларига ёрдам бериш учун имконият яратиш керак ва уларга ёрдам бериш керак.

Соддалаштиринг. Ўрганиш топшириқларини иложи борида соддалаштиринг. Кўрсатмаларингизнинг хато эмаслигига амин бўлинг. Бир нечта сўздан фойдаланинг. Секин ва аниқ гапиринг. Бирор бир нарсани қандай қилишни айтибгина қолмай уни қандай қилишни ҳам кўрсатиб беринг! Топшириқлардаги ҳар бир вазифа шу даражада содда бўлсинки, боланинг ўзи мустақил равишда топшириқларни бажара олсин.

Қисқа холга келтиринг. Боланинг диққати қоча бошлаганда унинг эътиборини жалб этиш ва унинг ишончи ва интилишини янгилаш учун уни бирон бир бошқа нарсага эътиборни қаратинг. Болага қачон танаффус беришни ҳам билинг. Ўсингизда тутинг, олдин мувоффақиятсизликка учраган боланинг ўзига ишончини шакллантириш жуда қийин кечади.

Мақтов. Мувоффақиятга эришиш учун болага жуда кўп имкониятлар беринг. Ҳақиқий ҳаракат ва муваффақиятларни рағбатлантиринг. Ҳа кичкина бўлсада бола эришган ҳар бир ютуқни тақдирланг. Болага ўзига ишончини вужудга келтиради. Муваффақиятсизликларга ижобий муносабатда бўлинг. «Жуда кўп ҳаракат қилдинг, ҳаракат қилишда давом эт ва аминманки буни уйдасидан чиқасан» каби ибораларни ишлатинг. Бир нарсани болага қайта-қайта тушунтиришга тўғри келса, сабрли бўлиш.

II боб. Инклюзив таълимнинг ривожланиш босқичлари ва ҳолатни ўрганиш.

Кўпгина мамлакатларда ногирон болалар таъминоти ва улар учун стратегияларни ривожлантиришда 4та босқич ёки йўналишни кўриш мумкин.

1. Ажратиш босқичи. Ногирон одамларнинг хаёти асосан яккалаб қўйишлар билан боғлиқ. Кўплаб жамиятларда ногирон одамларга қўрқув ва паст назар билан қараб улардан воз кечиб келинмоқда. Ногирон одамлар хаддан ташқари оғир камбағалликдан қийналишади. Агар уларга бирор бир иш берилса, бу иш энг ёмон ишлардан бири бўлади. Уларнинг қалбида шайтон ўрнашиб олган ёки улар ёвузлик ва жодугарлик қурбонлари деб қабул қилишганлиги сабабли баъзи ҳолларда атайлаб уларни ўлдиришади. Ривожланишнинг бу босқичида ногирон одамларга ахамият бермаслик, уларни қабул қилмаслик, азоблаш ва улардан фойдаланиш оқибатида уларни жамиятнинг чиқиндилари дейиш мумкин.

2. Улар билан шуғулланиш босқичи. Ногироин одамларга диний ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёрдам берилади ва улар ҳақида қайғурилади. Кўп ҳолларда бундай муносабатлар ноодатий уюшмалар томонидан амалга оширилади. Ногирон одамлар асосан ёрдам бериш объектидир. Улар ўзларига кўрсатилаётган ёрдамларнинг сифатини баҳолай олишмайди.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда, бу каби ишлар таълим тизимида ногирон болалар учун «Махсус Таълимни» пайдо бўлиши билан амалга оширилади. Жамоавий моделнинг умумий қисми сифатида махсус таълим кўнгилли, асосан миссионерлар (Христиан дини тарғиб қилувчилар), уюшмалар томонидан амалга оширилади. Улар ҳукумат номи билан иш кўришади, лекин улар фаолиятига ҳукумат аралашмайди. Улар ўз-ўзини бошқарувчи бир қанча махсус муассасаларни ташкил этишган. Бундай муассасаларга жалб қилинган болалар яхши таълим -тарбия олишади, лекин ота-оналари ва қариндош уруғлари билан кам алоқада бўлишади. Шу сабабли уларнинг кўпчилиги иккинчи ногиронликни орттириб олишади. Бу уларнинг сегрегация (ажралган ҳолда бўлиш) даражасини янада ёмонлаштиради.

Болаларнинг баъзилари бутун умрларини ушбу мактабларда ўтказиб юборишади.

Бу борада ҳукуматнинг аралашуви жуда кам. Ногирон одамларга жамият кам аҳамият берди. Бундай ҳолатларга айрим

бир бахтсиз оилаларнинг «шахсий муаммолари» ва шу оилаларнинг ўзлари қўлдан келганча ҳал қилиши керак бўлган ташвишлари сифатида қарашади.

3.Реабилитация босқичи.Бу босқичда инсонларнинг ногиронлиги туфайли бажара олмайдиган фаолиятларни бажариш қобилиятлари ва уларнинг имкониятлари даражасини кенгайтириш ҳақида фикр юритилади. Шу сабабли, бу босқичда ногирон одамлар нафақат таълим тарбия, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини оширувчи тренингларни ҳам олиб боришади. Улар «объект» эмас, балки «субъект» вазифасини ўтайдилар. Натижада, уларнинг нима қила олмаслиги эмас, балки улар нималар қилишга қодир эканлиги диққат марказда туради. Лекин бундай реабилитация уюшмалар доирасида ва асосан беғараз ёрдамлар асосида амалга оширилади.

Бу билан бир вақтда мажбурий таълимни жорий этиш орқали оддий мактабларда махсус синфлар очилмоқда. Бундай фикр ҳамма ҳолатларда ҳам ногиронларга бўлган ачинишдан келиб чиқавермайди. Балки бундай болаларнинг синфда мавжудлиги унга асосий сабабдир.

Бу босқичда саралаш қуроли сифатида ақлий тестлар жуда муҳим рол ўйнайди. Мактабларда эса асосан болаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун белгиланган қатъий имтихонлар тизимига асосланган ҳолда «қайта танланади». «Бу каби ажратишлар', тез-тез учраб туради ва бу таълим муассасаларида таълим олишни хоҳлаган болаларнинг учдан бир қисмини ёки ярмини ушбу жойдан чиқариб юборишга хизмат қилади. Бундай чиқариб ташлашларга фаолиятнинг ҳар бир жавҳасида чидаб бўлмайди.» (UNESCO 1991й).

4.Интеграция (аралашув, кўшилув) босқичи.Жамият ривожининг ногирон одамларга бутунлай мослашаётганлиги ушбу янги пайдо бўлган босқичнинг далилидир. Ногиронлик шахсни ўраб турган атроф мухитга боғлиқ бўлмайди. Бунинг ўрнига у шахс ва уни ўраб турган атроф мухит ўртасидаги алоқанинг натижаси сифатида қурилади. 1981 Халқаро Ногиронлар Йилининг шиори, « *тўлиқ қатнашиш ва тенглик,*» янги «*Жамият барчага*» тушунчасига асос бўлади. Бунда жамият ўзининг ҳар бир аъзосига мослашишга ҳаракат қилади. Бу шуни билдирадики, биз барча кучимизни одамларни жамиятга эмас, балки жамиятни одамларга мослаштиришга сарфлашимиз керак, Ногирон одамларни реабилитация қилиш «*тўлиқ қатнашиш ва тенглик,*» мақсадига эришиш учун етарли эмас, Жамиятнинг бошқа аъзоларига мавжуд имкониятларни ногиронлардан тортиб олиш ҳам уларни ногирон қилишдир. «*Ривожланиш асосан ўз ҳаётларини бошқаришнинг уddасидан чиқа оладиган одамлар ҳақидадир. Беғараз ёрдам эса бошқалар ёрдамига мухтож бўлиб қолган одамлар ҳақидадир.*» (Колеридж, 1993).

Инклюзив Таълимни тан олиниши ва Таълим Барчага Халқаро Декларацияни ва Махсус Муҳтожлик Таълими Тамойиллари, Сиёсати ва Амалиёти ҳақидаги Саламанка баёнотининг ҳаётга тадбиқ этилиши юқорида тилга олинган билимларга қарама-қаршилигидир.

2.1 ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шикастланиш, ногиронлик, мажрухлик.

-«*Шикастланиш физиологик, психологик ёки анатомик тузулиш ва фаолият жиҳатдан нормал бўлмаслик ёки камчиликларга эга бўлиш.*

-*Ногиронлик (шикастланиш натижасида) инсон учун бажариш нормал бўлган ёки белгиланган фаолиятни бажариш қобилиятидан маҳрум бўлишидир.*

-Мажрухлик шикастланиш ёки ногиронлик натижасида шахс учун (ёши, жинси ва ижтимоий ва маданий омилларга асосланган ҳолда) маълум бир фаолиятни тўлиқ бажариш имкониятидан маҳрум бўлиш.»

Шундай қилиб Мажрухлик шахс ва атроф муҳит ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий сабаблари натижасида вужудга келувчи ногиронликдир. Бу ногирон ва соғлом одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқаларга салбий муносабатда бўлиш натижасидир. Агар биз ногиронларнинг жамиятнинг турли жабхаларига киришларини тақиқласак, масалан мактабга бориш, биз уларни мажрух қилиб қўйган бўламиз. Мажрух одамларнинг пайдо бўлишига сабабчи бу биз, соғлом одамлардир!

Болаларда енгил ёки оғир ногиронлик бўлиши мумкин, лекин уларнинг мажрух, бўлиб ўсишларига биз, уларнинг оиласи, қўни-қўшнилари, ўқитувчилари ва бошқаларнинг уларга бўлган муносабатларимиз сабабчидир. Агар биз уларга керак бўлган ёрдамни беришда муваффақиятсизликка учрасак ёки агар биз уларни ўзимиз билан тенг кўрмасак, улар мажрух бўлиб вояга етишади ва жамиятнинг яхши интеграция қилинган маҳсулдор аъзоси сифатида ҳаёт кечири олмайдиган муаммога айланишади,

Биз ногирон одамларни тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида қабул қилишимиз керак. Биз уларга ёшлигидан имкониятларини кенгайтириш ва уни яхшилаш учун керакли муҳитларни яратиб беришимиз керак. Керакли хизматларни кўрсатиш ва муҳим сиёсий масалаларда уларнинг ҳуқуқларини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Яна бир муҳим нарса бу, ногиронлик масалаларини кенг маънода қабул қилишдир, масалан ногиронликка ётаковчи сифатсиз овқатланиш, қониқарсиз ҳолатларга сабаб бўлувчи дахшатли камбағаллик занжиридан уларни озод этишдир. Бундай занжир келажакда ҳеч қандай иш ваъда қила олмайдиган сифатсиз таълим на тайёрловларга олиб боради ва бунинг натижасида камбағаллик яна давом этади. Биз бундай занжирни узиб ташламагунимизча авлодлар оша давом этаверади.

Таълим олишга эркинлик яратиш мавжуд ҳолатни енгиллаштириш ва натижада дахшатли занжирни узиб ташлашнинг калитидир.

Нормализация, интеграция, имкониятларнинг тенглиги ва умумийлик. Кўп ҳолларда *нормализация* ибораси нотўғри талқин қилинади. Бу ногирон одамни *нормал* ҳолга келтириш дегани эмас. Аксинча, улар қандай бўлса, шундай қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Уларга жамиятда тенг ҳуқуқли инсонлар сифатида яшаш имкони берилиши керак. Нормаллаштириладиган нарса бу ҳаёт кечириш тарзидир. «Нормал ҳолатлар» деб биз - маълум бир мамлакатда яшовчи барча одамларга тааллуқли мавжуд ҳаёт тарзини тушунамиз. Нормаллаштиришнинг мақсади, ногирон фуқароларга тенг ҳуқуқ. ва *имкониятлар тенглигини* беришдир. Масалан, мактабга соғлом болаларнинг 86% борса, ногирон болаларнинг 1,2% эмас уларнинг ҳам 86% бориши керак.

Ушбу янги тизимда ногиронларга жамиятнинг «иккинчи даражали шахслари» сифатида муомала қилиш ўз маъносини йўқотади. Ногирон болаларни синфларга ажратиш, махсус жойларга жойлаштириш, ажратиб таълим бериш ва уларнинг ҳаётларига бепарво бўлишга эҳтиёж қолмади. Олдинги ажратиб таълим беришлар шуни кўрсатадики, бундай тизим одатда яқкалаш, ахамиятсизлик ва салбий муносабатларга олиб келган. Бугунги олиб борилаётган ҳаракатлар ногирон шахсларни жамиятнинг ҳақиқий аъзолари сифатида фаолият юритишларига қаратилган. Бундай ҳолатларда анъанавий тушунчалар янги тушунчалардан тубдан фарқ қилади. Бу каби янги интилишларда интеграция диққат марказидаги асосий нарса бўлиши керак. Тенг ҳуқуқли мактаб барпо этинг - инклюзив мактаб - муҳим мақсадлардан бирига айланмоқда. Бу каби мактаблар барча табақалардаги ёшларни ўз бағрига олиб уларнинг барча эҳтиёжларига жавоб беради. У ўз бағридаги барча ўқувчиларга мослашган бўлади. Натижада, ҳеч ким сиқиб

чиқариб юборилмайдиган ва ҳамма болаларга очик умумийлик мухити вужудга келади.

Интеграцияни кенг тарғиб қилиш учун сегрегация (ажратиш) бўлиши керак. Шундан сўнг, бошидан ҳар бир ногирон болани унга мос бўлган жойга қўшиб қўйиш мумкин. Шунда интеграция қайта

тузатиш тушунчасига айланади. Инклюзив мактаб барчани ажратмасдан ўз сафига қабул қилади ва уларга дифференциялашган таълим-тарбия беради. Интеграция тўғрисида гапиришга ҳожат ҳам қолмайди ва вақт ўтиши билан «махсус» таълим «инклюзив таълим»га айланади. Барчага сифатли таълим бериш ва тенг имкониятлар яратиш диққат марказида бўлади. Ривожланишнинг бу босқичига эришиш учун жамиятдан ногирон одамларни чиқариб ташлашни тўхтатиш жуда муҳимдир. Уларга инсон ҳуқуқлари доирасида муносабатда бўлиш керак. Ногиронлик сиёсати тўлалигича бегараз ёрдам кўринишини олиши керак ва ногирон одамларни фаол жалб этиш режасини тузиш учун «Жамият барча учун» тушунчаси асосида сегрегацияни ташкил қилиш керак.

Махсус таълимга мухтожлар. Хар бир инсонда меҳр олиш, эътиборда бўлиш, химояланиш, шахсийлик, фаолиятларни рухлантириш ва шу каби эҳтиёжлар мавжуд. Ногирон одамлар бундан мустасно эмас, лекин булардан ташқари уларнинг махсус, шахсий эҳтиёжлари бор. Хатти ҳаракатлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби жихатларга асосланган ҳолда ногиронликлари оз бўлсада ўхшаш бўлган тақдирда ҳам улар бир-биридан фарқланади. Масалан, иккита ногиронлиги бир хил бўлган болаларнинг бири ижобий, рухлантирувчи муҳитда яшаши мумкин, иккинчиси эса салбий, кўнгилни қолдирувчи муҳитда яшаши мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам ногирон бўлсада, бу уларга бир хил ёрдам кўрсатилиши керак дегани эмас. Уларнинг эҳтиёжлари яккама-якка ҳолда қондирилиши керак. Бунинг муҳимлиги амалиётда кенг тан олинган.

Хар бир бола шахс сифатида мукаммалдир ва хар бир бола ҳаётга мослашиш ва ривожланиш учун ёрдамга мухтождир. Баъзи болалар бошқаларидан кўра кўпроқ ёрдамга мухтождир. Бошқалари эса ҳаётларининг маълум бир пайтида ёки бутун ҳаётлари давомида махсус ёрдамга мухтождирлар, масалан, мактабда таълим олаётган чоғларида. Бу каби махсус, кўшимча ёрдам «Махсус Таълим»га бориб тақалади. Ҳозирги пайтгача, «Махсус Таълим» деганда фақат кўзи ожизлар, қулоғи оғирлар ёки ақлан ривожланишдан орқада қолганлар таълими тушунилар эди. Бундай чекланган қараш оқибатида, кичик, бошқа таълим тизимлари билан кам боғлиқда бўлган мактаб тизими ташкил этилган эди. Умумий мактаб тизими вакилларининг *«Булар бизнинг болаларимиз эмас. Улар Махсус Таълимга қарашли»* деган гапларини жуда кўп эшитганмиз.

Шу каби масалалар бугунги кунда ногирон-гуруҳларга асосланган классификацини ўзгартириш ва махсус таълимга мухтож болалар тушунчасини ўзгартиришга асос бўлмоқда. Бу кенг қамровли тушунча ўз ичига оғир ногиронликлардан енгил қийинчиликларга бўлган нарсаларни ўз ичига олади. У анъанавий ногирон гуруҳлардан ташқари, ўзлаштиришда

кўпроқ умумий муаммолар, қайтаришлар ва мактабни ташлаб кетишлар, билан муваффақиятсизликка учраган болаларни ўз ичига олади. Ижтимоий ва хиссий муаммолари бор бўлган болалар ҳам бунинг ичига кириб кетади

Янги йўналишлар.Бутун жаҳондаги эҳтиёж ва таъминот ўртасидаги боғлиқсизлик ногирон болаларга таълим бериш стратегиясини қўллаб-қувватлашни кўтарилишига сабаб бўлди. Айниқса, пуллик махсус мактаблар ва марказлар ҳамма ҳолатда ҳам ажратишни тезлаштиради ва шу билан бирга, кўплаб ногирон болаларнинг тренинг ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қондира олмайди. Оддий мактаблар кўпроқ аҳамият касб этиши керак. Улар мақсадлари, ўқитиш ва дастурларини қайтадан тузишлари керак ва ногирон болаларни ўз ичига олувчи, ва турли хилдаги ўқувчиларни талабини қондирувчи инклюзив ёндашувга қабул қилишлари керак (3-жадвалга қаранг).

ТАЪЛИМ

Анъанавий ёндашув	Инклюзив ёндашув
• Таълим баъзилар учун	• Таълим барча учун
• Ўзгармас	• Мослашувчан
• Жамоавий ўқитиш	• Индивидуал ўқитиш
• Ажратилган муҳитда ўрганиш	• Интеграция муҳитида ўрганиш
• Ўқитишга куч бериш	• Ўрганишга куч бериш
• Предметга асосланган ҳолда	• Болага асосланган ҳолда
• Диагностик-истикболли	• Таълимий
• Имкониятлар ажратиш орқали чекланган	• Имкониятлар барча учун бир хилда

3-жадвал Турли таълимий амалиёт

«Келиб чиқиши жихатдан умумий паралел бўлган ҳозирги мактаб тизими ва махсус мактаблар йўналтириши ва интеграциядан ривожланиб бораётган инклюзив мактабларга айланиб бормоқда. Ривожланиб бораётган тизим учун инклюзив мактаблар қўшимча танланиши керак бўлган имконият эмас, балки мажбурийдир.» (Жангира, 1994)

Бунинг натижасида оддий синф хонаси ногирон болалар таълими учун биринчи имкониятга айланади. Оғир ва мураккаб қийинчиликлари бор бўлган болаларга баъзи ҳолларда бошқа турдаги, махсус мактаблар ва марказлар ёки оддий мактаб ичида махсус бўлим каби дастурлар қўлланиши мумкин. Синф хонаси эҳтиёжни қондира олмагунга қадар бу қўшимча имкониятдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

Юқорида тилга олинган стратегиянинг соғлиқни сақлаш хизмати билан ўхшашлик томонлари бор: Касалларнинг кўпчилигига уларнинг уйларида ёки яқин орадаги клиникаларда хизмат кўрсатилади. Баъзиларига шифохонадан жой берилади. Уларнинг жуда оз қисми махсус тиббий ёрдам бўлимида даволанади. Одатда биз бурнимиз оқса шифокорга мурожаат қилмаймиз, Шунга ўхшаш, кўпгина махсус таълимга мухтож болаларнинг эҳтиёжларини оддий мактабнинг ўзида ҳам қондирса бўлади. Уларнинг жуда оз қисмига махсус мактабларда мутахассислар томонидан зарур ёрдамлар кўрсатилади. Берилаётган таълим, албатта боланинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келиши керак. Шу йўл орқали қимматбаҳо ва етишмайдиган мутахассис хизматлари зарур ҳолатлар учун сақлаб қўйилади.

Ушбу янги йўналишларга боғлиқ ҳолда, махсус мактаблар кенг суратда ресурс марказларига айлана бошлади. Улар ўзларининг юксак тажриба ва билимларини қўллай оладиган кенг кўламдаги дастурларда қатнаша бошлади. Улар ўзларининг фаолиятларини оддий мактаблар, оилалар ва жамият билан боғлаган ҳолда олиб боришади.

Режалаштириш. «Олдинги режалаштиришлар кўп ҳолларда ўлда-жўлда бўлган таълим тизимини бутун жамиятга хизмат қилиши кераклиги муҳим дастак эканлигини ўзида акс эттирмаган эди.» (UNESCO 1989).

Махсус таълимга муҳтож болаларнинг йўналтирилган таълими ва умумий таълимга иккита турли ҳилдаги масала деб қарамаса керак. Олдинги таълим умумий таълим режасининг қисми ва қолипи вазифасини ўташи керак. Ҳозиргача биз таълим таъминотини махсус таълимга муҳтож болаларга етказиб бера олганимиз йўқ, у ҳолда биз “Таълим Барчага” мақсадимизга ета оламизми.

Бу таълим амалиёти ва таълим хизматларини ташкиллаш ва уларга фундаментал, ҳақиқат ўзгаришлар киритишни талаб этади. Махсус таълим эҳтиёжларини киритилишини шундай ўзгариш деса бўлади. Болада махсус таълимга эҳтиёжлари бор дейиш, таълим соҳасидаги мақсадларига етишиши учун бола аниқ (қисқа ва узоқ муддатли) педагогик ёрдам ва хизматларга МУҲТОЖ демакдир.

Мактаблар турли тоифадаги ўқувчиларга хизмат қилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун махсус таълимга муҳтож ўқувчилар учун оддий синф хоналари ва синф ўқитувчиси ҳақиқий таълим базасига ва мактаб раҳбари эҳтиёжларни қондирувчи шахсга айланиш керак. Жавобгарлик синф ўқитувчисидан олиб, бошқа мутахассисларга бериб қўйилмаслиги керак. Бунинг ўрнига, улар иккаласи уюшган ҳолда ўзаро иш олиб боришлари керак (МЕС 1990). Бу каби ривожланишга бутун мактаб ислохотларидаги изланишлар сифатида қаралиши керак.

«Махсус таълимга муҳтож болалар ҳозирги пайтда оддий мактаб тизимидан чиқариб турилибди, чунки ҳозирги тизим уларни қабул қила олмайди, масалан, у уларнинг талабларига жавоб бера олмайди. Ҳақиқий ривожланиш юз тутиши учун бундай имконсизлик тан олиниши керак ва унга ўзгартиришлар киритилиши керак. Шу сабабдан интеграцияга мактаб ислохоти сифатида қаралиши керак. Унинг мақсади мавжуд аниқ дастур

доирасида барчага таълим берувчи мактаб тизимини яратишдир.» (Хегарти, 1990). Таълим хизматларини режалаштиришда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг *Ногирон Одамлар борасида Иш юритувчи Жахон Дастури қўлланмаси доирасида иш юритиш тавсия этилади, 1983*: «120та Аъзо Мамлакатлар ногирон одамларга бошқалар билан тенг таълим олиш имкониятларини берувчи ҳуқуқларни тан олувчи сиёсий қонунлар юритиши керак. Ногирон шахснинг таълими иложи бориша умумий мактаб тизимида олиб борилиши керак. Таълим-тарбия органлари ва мажбурий таълим тўғрисидаги қонунлар жавобгарликни ўз бўйниларига олган ҳолда, турли даражадаги ногирон болаларни, энг оғир ногиронларини ҳам инобатга олган ҳолда мажбурий таълимга киритишлари шарт.» (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 1983)

Бу таклифларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг *Ногирон Одамларга Тенг Имкониятлар белгиловчи Стандарт қоидаларида* тўлдиришлар киритилган.

Барча болаларнинг бошланғич таълимдаги эҳтиёжларини қондириш зарурияти Таълим Барчага Инклюзив мактаби доирасида махсус таълимга мухтож болалар учун оддий мактаб тизимида таълим олишнинг янги имкониятларини очди.

Таълимни режалаштирувчилар умумий қабул қилинган 10% кўсаткични турли зарур муаммоларни ҳал қилиш ва махсус диққат эътиборга мухтож болаларга ёрдам беришга асос қилиб олишлари мумкин. Махсус диққат эътибор деганда биз оғир ногирон болаларга хизматлар кўрсатиш, ҳамда эрта аниқлаш, тўғри ёрдам кўрсатиш ва ўрта ва енгил қийинчиликлари бор бўлган болаларга керакли ёрдамларни олиб боришни тушунамиз.

Ногиронлик даражаси ўта оғир болаларнинг сони кам, ва ногиронликнинг оғирлик даражаси пропорционал равишда камайиб боради. Махсус Таълимга мухтож болаларнинг 75-80%га оддий мактабда керакли ўзгартиришлар киритиш орқали ва махсус эҳтиёжлар таълимининг

бошланғич тренингларидан ўтган оддий мактаб ўқитувчилари ёрдамида ёрдам бериш мумкин. Ўртача даражадаги ногирон болаларга оддий синф хоналари ёки махсус гуруҳ ёки бўлимларда чуқурлаштирилган ёрдамлар кўрсатиш орқали ёрдам бериш мумкин. Улар кўпроқ, малакали ўқитувчиларга мухтождирлар. 5%дан камроқни ташкил қилувчи оғир ногирон ўқувчилар (масалан, умуман кўзи кўрмайдиган ва эшитмайдиган) махсус мулоқот қилиш малакалари ва махсус тайёрлов дастурлари техникаларини ўзлаштирган ўқитувчиларга мухтождирлар.

Инклюзив таълимга урғу бериш билан махсус мактаблар ва марказларни чиқариб ташлаш дегани эмас. Улардан янада махсуслаштирилган ва чуқурлаштирилган ёрдамга мухтож болаларга ёрдам кўрсатишдаги хизматларнинг асосий қисми сифатида мавжуд бўлиб қолиши талаб этилади. Талаб қилинаётган хизматни белгилашда асосий нуқтаи назар айтилиши бир болага қандай ёрдам энг тўғри ёрдам бўлиши мумкинлигига қаратилган бўлиши керак. Кўпгина мамлакатларда махсус мактаблар хали ҳам анъанавий таълим бериш ўчоғи бўлиб келмоқда. Махсус мактаблар ва марказларнинг тажрибалари ҳар томонлама юқоридир. Ўзимизнинг билим ва тажрибаларимизни биз улар орқали шакллантирганмиз. Улар ҳукумат, жамият ва ота-оналарга ногирон шахсларга кўпроқ ёрдамлар берилса уларни қанчалик имконият ва билимларга эга бўлишликларини кўрсатиб келишган. Ҳозир ҳам бундай мажмуалар кўплаб дастурлар учун ресурс марказлари, ички тренинг, оилаларга ва ногирон болаларга ёрдам бериш ва оддий мактабларда махсус таълимга мухтож болаларга таълим бериш каби хизматларни кўрсатишда катта рол ўйнаб келмоқда.

«Мавжуд махсус мактабларга ажратилаётган инвестициялар уларнинг янги мақсадлари, оддий мактабларда махсус таълимга бўлган эҳтиёжларни қондирилишга қаратилган вазифаларига сарфланиши керак. Махсус мактаблари кам ёки умуман йўқ мамлакатлар инклюзив мактаблар очилиши ва махсус хизматларни кўрсатиши борасидаги ҳаракатларига керакли

маслахатларни олишлари мумкин, айниқса махсус эҳтиёжлар таълимида ўқитувчилар таёрлашни амалга ошириш, ва керакли жамоани тузиш ва уларга кўплаб болалар ва ёшларга хизмат кўрсатишида керак бўладиган жихозланган ресурс марказларини ташкил этиш.» (Махсус Эҳтиёжлар Таълими Фаолияти Доирасида, 1994).

Ислохотлар.Инклюзив таълимда янги фикрларнинг талқин этилиши миллий ислохот ва махсус ёрдамга мухтож болалар ва ёшлар учун стратегияларда аниқ акс этиши керак.

Махсус таълимга мухтож болалар ҳозирги мактаб тизимида эҳтиёжлари қондирилмаётган болалардир. Шу сабабдан мактаблар барча болаларнинг турли хилдаги ва умумий мақсадлари, интилишлари, қизиқишларига жавоб бериши керак ва уларнинг билим олишларини таъминлаши керак.

Махсус эҳтиёжлар таълими таълим тизимининг бир қисмидир. У жамият ва мутахассислар қиммати ва муносабатлари, молиявий ресурсларни тақсимлаш ва ўқитиш, ўқитувчилар ва мактаб табиати борасидаги саволлар билан ўзаро боғлиқдир.

Барчага таълимни ривожлантириш учун умумий таълим тизимига таркибий ўзгартиришлар киритиш муҳимдир. «Нормал» ва «махсус» таълим ўртасидаги тўсиқлар олиб ташланиши керак. Махсус таълим оддий таълимнинг бир қисми бўлишига қарамасдан, ўзининг ўқувчилари, ўқитувчилари, бошқарув жамоаси ва таъминот тизимидан ташкил топган иккита таълим тизими амалда қўлланиб келинмоқда. Барча ўқувчиларнинг талабларига жавоб берувчи Инклюзив мактабда бундай тизимга эҳтиёж қолмайди.

Ислохотлар таълим мақсадларининг амалиётини бошқариши мумкин, лекин улар педагогик амалиётни тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Шу сабабдан самарали бўлиши учун, ислохотлар яхши муҳофама қилиниши ва таълим тизими бошқарувчилари ва уни амалда қўлловчилар томонидан кўриб

чиқилиши керак. *«Хукумат миқйёсида қабул қилинган ислохотларнинг муҳимлиги уларни таълим масалаларини етарли даражада ҳал қилишида эмас, масалан қай тарзда ўқитиш, балки улар сабабли юзага келаётган мунозараларнинг табиати ва таълим аппаратининг бошқа бўлимларида у юритаётган сиёсатнинг муҳимлигидадир.» (Фулшер,1991).*

2.2.Ақлий бузилишларга эга бўлган болалар ҳаётини инклюзив таълим орқали нормаллаштириш ҳақида кейс ва унинг таҳлили.

КЕЙС 1.

Жавлон ўзлаштиришда қийинчилиги бор бола.

Жавлон 15 ёшда. У ақли заифлар интернат мактабида 8-синфда ўқийди. Жавлон ўқишни ва ёзишни билади.Кўпинча мактабга келмайди.Чунки онаси ҳам уни мактабга келтирмайди. У 4-синфгача оддий мактабда ўқиган, кейинчалик шифокорлар ташхиси билан интернат мактабига ўқишга келган.

У интернатда ўқишни хохламайди.Чунки у ерда ётиб ўқиш керак.Диққат доираси 10-15 минут.Дарсда ўтиришни хохламайди. Кўп гапиради. Синфдошлари билан яхши чиқиша олмайди. Улар билан урушади. Ўзининг олдинги мактаби ҳақида кўп гапиради. У уйда телевизор кўриш ва мусиқа тинглашни ёқтиради. Ўзини бошқа нарсалар билан банд қилмайди.Унинг битта акаси ва онаси бор. Оиладагилар унга уй юмушларида қатнашишда рухсат беришади.

У катта бўлган сари интернатда ўқишни хохламай қўйди. Онаси интернатга келиб Жавлон оддий мактабга ўтиши кераклигини айтди.Лекин интернат илмий бўлим мудирини у мактабга лойиқ эмаслигини тушунтирди. Аммо Жавлон ва унинг онаси қаттиқ туриб олдилар. Умумтаълим мактаби психологи унинг рухий ҳолатидан хавотир олиб уни мактабга олиш-

олмасликка ўйланиб қолди. Мен мактаб психологи билан гаплашиб у шунчалик мактабда ўқишни хохлаётган экан, унга имкон беришни сўрадим.

Кейс тахлили.

Агар Жавлонга имкон берилмаса, у яна ёпиқ муассасада қолиб кетса, унинг салбий оқибатлари пайдо бўлади;

- У яшаётган шароитда меҳр йўқолиши, онасига, акасига, оиласига ширин сўзга, эътиборга, оиласига мухтож бўлиш хисси, хошиа истаклар йўқолиши
- Хавфли омиллар пайдо бўлиши; лоқайдлик, ишончсизлик, билим олиш иштиёқи пасайиши
- Яна интернатда ўқиш рухиятига, орзуларига эриша олмаслик, эркинликни йўқолиши
- Одамовилик, қўрқоқлик, ўзини кераксиз хис қилиш
- У хохламаган вақтда овқат ейди, хохламаганда ухлашга мажбур.
- Хонасини ўзи хохлагандек жихозлай олмаслиги у ерга дўстларини таклиф қила олмаслиги, оиласини, уйини соғиниши ва бундан рухан эзилиши

Келгусидаги салбий оқибатлари:

- Хаётда ёлғиз яшашга, ҳеч ким билан мулоқотда бўлмасликка, ўзини жамиятга кераксиздек хис қилади. Одамлар билан яхши чиқишиб кета олмайди, улар гаплашишга уялади. Натижада изоляция пайдо бўлади.

Агар Жавлон ўз ҳудудидаги оддий мактабга ўтказилса, унда ижобий хислатлар шаклланади. Чунки бола шаклланиши учун энг яхши жой- бу оила ва оилавий ҳамжихатликдир.

Унинг ижобий томонлари:

- Ўз-ўзига хизмат қилишни ўрганади, хошиа истаклари пайдо бўлади ва ўзига ишончи ортади.

- Хушчақчақлик, мактабга боришга интилиш, дўстлари билан ўйнаши, эркин юриши мумкин.
- Рухиятига ҳам ижобий таъсир қилади, қизиққан касбини танлаш учун ҳаракат қила бошлайди.
- Оила ҳам бирга бўлади, одамовилик йўқолиб одамлар билан яқин муносабатда бўлишга ҳаракат қилади.
- У ўзи хоҳлаган вақтда, қорни очганда овқат ейди, ўзига ёққан кийимини кияди.
- Дўстларини бемалол уйга таклиф қилади. Оиласининг бағрида ўсиб улғайиши ҳар томонлама унга куч беради.


Келгусидаги ижобий оқибатлари:

Хаётда мустақил яшашга ўрганади, Ўзини эркин ҳис қилади. Ҳамма инсон қатори орзуларига етишишга ҳаракат қилиб, жамиятга кераклигини ҳис этиб, хаётда завқланиб яшайди. Ёқтирган касбини танлаб, ўз ҳаётини ўзи йўлга қўйишга эришиши мумкин.

Жавлонни инклюзив таълимга ўтказиш, унинг ҳаёт тарзини ўзгартириши нафақат унинг ўзига, балки оиласига, интернатда ўқиётган бошқа болаларга ҳам ўрнатилган бўлади.

Унинг эко картасига назар ташласак, унда жудаям катта ўзгариш, яъни ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади. У «ёпиқ муассаса» да эмас оддий мактабда ўқигани учун дўстлари, оиласи, қўшнилари унга илиқ муносабатда бўлади, у инсон сифатида яқинликни ҳис қилиб яшайди.

Жавлонни инклюзив таълимга ўтгандаги эко картаси.



КЕЙС 2.

Малохат, Хуршида, Наргиза ўзлаштиришда қийинчилиги бор опа-сингиллар.

Малохат, Хуршида, Наргиза улар опа-сингиллар. Уларнинг ота-онаси ва яна битта кенжа синглиси Гулноза бор. Гулноза хали мактабга бормаган. Ота-онаси ҳам ишлайди. 3 та қизининг ўзлаштиришда қийинчилиги борлиги учун ота-онаси сиқиладилар. Улар ҳам фарзандлари оддий болалар қатори бўлишини орзу қилишарди.

1.Малохат ақли заиф болалар гуруҳига киради. Унинг ёши 13 да. У ақли заифлар интернат мактабида 6-синфда ўқийди. Малохатнинг жисмонан ўсиши ёшига мос келади, шундай бўлсада унинг ҳаракатланиши секин ва кўпол.. Унинг кўриши ва эшитиши шикастланмаган.

Малохат ўзи овқатлана олади. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз ечинади ва кийина олади. У қийналадиган нарсалар, кичик тугмалар ва замоллар. У қовуқ ва ичаклар ҳаракатини бошқара олади. Лекин унга хожатхонага боришни эслатиш керак.

Унинг ақлий ривожланиши анча чекланган. Диққат эътибор доираси тор.Баъзи бир оддий кўрсатмаларни тушунади, лекин жавоб бера олмайди. Доим дарсда кулиб ўтиради. Оиладагилар унга уй юмушларида қатнашишга рухсат беришади.

2.Хуршида ўзлаштиришда қийинчилиги бор қиз. Хуршида 12 ёшда. У ҳам ақли заифлар интернат мактабида 5-синфда ўқийди. Хуршиданинг жисмонан ўсиши ёшига мос келади.У синфни орқасидан эргаштириб юради ва уларга ёрдам беради. Уларга овқатланишда, хожатга боришда ёрдам беради. Унинг кўриши ва эшитиши шикастланмаган.

Хуршида ўзи овқатлана олади.У ҳеч қаерини ифлос қилмайди. Ҳеч кимнинг ёрдамисиз ечинади ва кийина олади.

Унинг ақлий ривожланиши яхши. Диққат – эътибор доираси 30 минут. Баъзи бир оддий кўрсатмаларни тушунади, доскадан кўчиришни билади,

лекин ўзи мустақил ёзолмайди. Ўқишни ҳам билмайди. Уйда у телевизор кўриш ва мусиқа тинглашни ёқтиради. Бу йил уни умумтаълим мактабига қабул қилишмаяпти. Чунки у ўқишни билмайди. Онаси уни Малохат опасига қараб туриш учун интернатда ўқишини хоҳлайди. У уй юмушларини бемалол бажара олади.

3.Наргиза. Ўзлаштиришда қийинчилиги бор қиз.У 10 ёшда. У ҳам ақли заифлар интернат мактабида 3-синфда ўқийди. Хуршиданинг жисмонан ўсиши ёшига мос келади, шундай бўлсада унинг ўқиш ва ёзиши умуман яхши эмас. Кўриш ва эшитиши шикастланмаган.

Наргиза ўзи овқатлана олади. У ҳеч қаерини ифлос қилмайди. Хожатхонага бемалол бора олади.

Унинг ақлий ривожланиши анча чекланган. Диққат эътибор доираси тор, 10-15 дақиқа. Баъзи бир оддий кўрсатмаларни тушунади, лекин жавоб бера олмайди.Ота-онасини яхши кўради лекин у, Малохат ва Хуршидадан фарқли ўлароқ ётиб ўқимайдиган интернатда таълим олади. У эрталаб мактабга бориб кечки пайт қайтади. Уйда у синглиси Гулноза билан ўйнайди.

Кейс таҳлили

Буларнинг оиласидаги муаммо бир қизнинг эмас, балки 3 инсон тақдиридир.Аслида улар ҳам бир оила бўлиб яшашни хоҳлашади.Чунки энг катта бахт ота-она билан тўлиқ оила булиб яшашдир.

Улар «ёпиқ муассаса»ларда ўқишининг салбий оқибатлари кўп.

- Опа –сингиллар деярли бирга яшай олмайдилар, ахиллик йўқолган:
- Хавфли омиллар; ўзини ўйлаш, лоқайдлик, ғамгинлик, кўрқоқлик.
- Улар тезроқ уйга кетишни хоҳлайдилар, билим олиш иштиёқи йўқолган, хаёлларида интернатдан тезроқ кетиш
- Ота –онасига бўлган меҳр сусайган. Хаётга қизиқишлари йўқолган.
- Бир хилликдан зериккан, қорни очмаганда ҳам овқатланишга, уйқуси келмаганда ухлашга мажбурдирлар.

Келгусидаги салбий оқибатлари:

Хаётда ёлғиз яшашга ўрганиб қоладилар. Инсонлар билан мулоқотга киришишга қийналадилар. Хамма нарсага қизиқишлари йўқолади.


Уларни ҳам ўз худудларидаги мактабларда ўқитилса, ижобий натижаларга эришишларига ёрдам беради:

- Улар ўз-ўзига хизмат қилишни ўрганишади. Бировнинг ёрдамига мухтож бўлмайдилар.
- Дўстлари кўпаяди, ўзларига ишончи ортади, мактабда тенгдошларига етиб олиши учун яхши ўқишга ҳаракат қиладилар.
- Лоқайдлик, ишончсизлик йўқолади, хаётда яшашга қизиқиш пайдо бўлади.
- Ота-онасининг эътиборида бўладилар, бир-бирига меҳрибон бўлишга ўрганадилар.
- Уйга бемалол дўстларини таклиф қила оладилар, хоҳлаган пайтда овқатланиб, уйқиси келганда ухлашга ётадилар. Ўзларини эркин хис қиладилар.
- Орзу қилиш, касб танлаш ва бошқа қизиқишлар пайдо бўлгач, тенгдошлари қатори ҳаракат қилишга киришадилар.
- Опа-сингиллар бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, оиладаги муҳит яхши томонга ўзгаради

Келгусидаги ижобий оқибатлари:

Одамларга меҳрибон бўлади, хаётда мустақил яшашга ўрганади, келажакка ишонч билан қарайди.

Махсус таълимдан инклюзив таълимга ўтишнинг схемаси



Хулоса

Болалар ёпиқ муассасада қолиб кетганларида инклюзив таълим орқали уларни ҳаётини меъёрга келтириш таъминли кўрсатилган. Махсус таълимга қарши курашиш йўллари кўрсатишга ҳаракат қилиш ишлари ва тадбирлари, махсус таълим натижасида болалар оиладан узоқлашиш, беизлаш, кучли томонларининг йўқолиши, умидсизлик, тушкунлик ҳолатларининг пайдо бўлиши каби салбий хусусиятлар вужудга келиши кўрсатилди. Бундай ҳолатларни олдини олишда оиланинг, ўқитувчининг, жамиятнинг иштироки, инклюзив таълимни бошлаш ва ривожлантириш тўғрисида йўл – йўриқлар тушинтириш ишларини илмий фикрда ўз ифодасини топди.

Ижтимоий иш йўналиши Ўзбекистонда жадал суръатларда олиб борилмоқда ва Республикамизда самарали ишлар амалга оширилди. Олиб борилган тадқиқотларда юртимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун ҳар бир оилада ота – оналар масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз фарзандлари билан маданий мулоқотда бўлишларини, тўғри тарбия беришлари тўғрисида, инклюзив таълим яхши самара беришида илмий фикрлар берилади.

Болалар теварак атрофдаги кишилар билан муомалада бўлиши уларнинг камол топишининг муҳим шартидир. Бола учун энг яхши жой – бу оила ва оилавий ҳам жихатликдир. Ногирон бола ҳам тўғри ҳаёт кечириши учун зарур бўлган билим ва ҳаётий тажрибаларни катта ёшдаги кишилардан ўрганади. Теварак атрофдаги одамлар билан муносабат жараёнида ногирон болада ҳам одамларга эҳтиёж таркиб топади, бу эҳтиёж боланинг ҳаётида ҳар томонлама ёрдам беради.

Ўзбек халқ мақолларида ҳикмат кўп:

“Ҳар кимнинг қўли ўзига хизмат қилар”. Болани махсус мактабга берилса, у шундай ҳаётга кўникса, келгусида ўз – ўзига қандай хизмат қилади. Оилада эса у тарбия топади, ака – опалардан ўрганади,

мустақилликка интилади. Оилада ногирон болаларга ҳам имкон беринг, у ўзи овқат ейиши ва кийиниши шарт. Чунки келгусида бу унга ёрдам беради. Ота –онасиз эса у ёпиқ муассасада қолиб кетса, ўз – ўзига хизмат қилишни унутиб қўяди.

Шундай экан оиладаги муносабатларни тўғри йўлга қўйиш – оилавий муносабатларда соғлом муҳитнинг юзага келишида, болалар тарбиясини тўғри олиб борилишига, болаларга ижобий фазилатлар ва индивидуал психологик хусусиятларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Дунёга келган ҳар бир гўдак бахтли бўлишига, тўғри ҳаёт кечиришига ҳақли. Шундай экан, ногирон болалар ҳам оддий фарзандларингиз қатори яшашига, ёрдам берайлик. Уларга эътиборли бўлайлик, оилада қолиб яшашларига ўз ҳиссамизни қўшайлик. Уларга ортиқча эътибор бермасдан, бошқаларни фарзандларингиз қатори кўринг.

Битирув малакавий ишида ақлий бузилишга эга бўлган шахсни парваришlash ва нормаллаштириш тамойиллари тўғрисида ҳам илмий фикр берилган.

Болаларга нисбатан ёпиқ муассасаларда қолиб кетишининг салбий таъсирлари ва болаларни бу ҳолатдан қандай олиб чиқиб кетиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилинган. Инклюзив таълим орқали уларни ўқитишлари учун кўрсатмалар берилган.

Агар ушбу битирув малакавий ишида инклюзив таълимга ўтказишда озми – кўпми нафи текса бу бизнинг ютуғимиз деб ҳисоблашга умид қиламиз.

Ногирон бола ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб нарсалар олами билан таништириш, уларни оддий болалардан ажратмаслик, уларни оилада ҳам, тенгдошлари орасида жамиятда оддий инсон сифатида муомала қилиш кераклиги ёритилган.

Ёпиқ муассасаларда қолиб кетиш натижасида хаётда ажралиб қолиниш бу яхши натижаларга олиб келмаслиги хулосаларда ўз аксини топди.

Ёпиқ муассасалардан инклюзив таълимга ўтиш, агар ўтаолмаса кераклиги кейс мазмунида батафсил ёритилган.

Оила аввалом бор бола учун энг мақул жойдир. Шунинг учун ота – оналар фарзандларини таълим олиб, жамиятдан ажралмас-ликларини таъминлаш учун уларни хаётини меъёрга солиш учун тенгдашлари қатори оддий мактабларда таълим олишига шароит яратишлари керак.

Оилада ногирон фарзанди бор ота – она фарзандларини инклюзив таълимга берсалар, уларни ҳам жамиятда ўз ўрнини топади. Қуйидаги хулосаларда ўз аксини топади.

1. Оилада ҳар томонлама бир бирини қўллаб қувватлаш;
2. Оила – ижтимоий – иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш;
3. Инклюзив таълим орқали ногирон болалар хаётини нормаллаштириш;
4. Ногирон болаларга ачиниш эмас, уларга имкониятлар бериш;
5. Реабилитация босқичини амалга ошириш. Ногирон одамлар нафақат таълим тарбия, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятларини оширувчи тренинглар ҳам олиб бориш;
6. Инклюзив таълим орқали уларни келгусидаги хаётларини, мустақил олиб боришга ва уларга нисбатан ҳурматли муносабатини қарор топшириш;

Оиладаги яхши муҳит - маънавий муҳит хотиржамлик, ота – она хаётини йўлга солиш, мустақил яшашга, ҳеч кимдан уялмасликка ўргатиш бу ота – онанинг фарзанди хаётидаги муҳим ролидир. Улар фарзандларини асраб авайлаб, мустақил хаётга тайёрлаш учун инклюзив таълимга беришлари керак.

Шундагина улар ҳам хаётдан завқ олиб яшашлари мумкин.

«БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎ/РИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

II боб. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари

23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари

Хар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг бепул мажбурий умумий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб-хунар олишини кафолатлайди.

III боб. Ижтимоий ҳимояга мухтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари.

24-модда. Ижтимоий ҳимояга мухтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари.

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслахат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга мухтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга мухтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:

васийлик ва хомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оилага тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий химоя муассасаларига жойлаштириш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий химояга мухтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий химояга мухтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

25-модда. Ижтимоий химояга мухтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш кафолатлари

Ижтимоий химояга мухтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий химояга мухтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий химояга мухтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажа-рилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

29-модда. Ижтимоий химояга мухтож болаларнинг таълим олиш кафолатлари.

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга мухтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга мухтож болаларга ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Тошкент “Маънавият” 2008 йил
2. Каримов И. А. “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохатларимизнинг пировард мақсадидир” Тошкент “Ўзбекистон” 2007 йил
3. Тўра Мирзаев, Баходир Саримсақов, Асқар Мусақулов Ўзбек халқ мақоллари китоби
4. Туре Йонссон. Инклюзив таълим.
Ногиронлар учун халқаро дастур БМТ ривожлантириш дастури.
Тошкент 2003 йил
5. Чичерина. Я.Е. Бондарева Е.В. Нуркельдиева Д.А. Хрестоматия для проведения тренинга «Основы социальной работы с детьми инвалидами и их семьями» Ташкент, 2010
6. Ўзбекистон. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун Тошкент. 2008.
7. Собирова Д. Ғ. “Болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари” тарқатма материалларидан 2010 йил
8. Ганиева М.Х, Карамян М.Х. Хрестоматия по учебному курсу “Основы социальной работы” 2010 год
9. Ким Людмила. Хрестоматия для проведения курса “ Альтернативные формы обустройства детей”2010 год
10. Ўзбекистонда ижтимоий ишни ривожлантириш мавзусидаги тренинг материаллари. Тошкент. Ўзбекистон 2006-2008 йиллар
11. “Оила ва болалар билан ишлаш” МинВУЗ-РЦСАД-ТДМАДИ-ЮНИСЕФ Тошкент 2009 йил